



## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

2024 йил « 4 » январь

№ ПФ–5

### Чиқиндиларни бошқариш тизимини такомиллаштириш ва уларнинг экологик вазиятга салбий таъсирини камайтириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида

Республикада чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини ислоҳ қилиш доирасида ҳудудларни санитар тозалаш бўйича кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш, маиший чиқиндиларни тўплаш ва ҳудудлардан олиб чиқиш соҳасига тадбиркорлик субъектларини фаол жалб қилиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, соҳада жиддий камчилик ва муаммолар сақланиб қолмоқда. Жумладан:

**биринчидан**, мавжуд **полигонларнинг** ҳолати экология ва санитария талабларига жавоб бермайди, улар фаолиятида **қайта ишлаш, утилизация қилиш** ва **кўйдириб юбориш** тизимлари яратилмаган, шунингдек, бошқарув тизими тўғри йўлга қўйилмаганлиги сабабли айрим полигонлар тартибсиз шаклланган;

**иккинчидан**, чиқинди хизматлари учун тўлов **сўнги 4 йил давомида қайта кўриб чиқилмаганлиги** тадбиркорлик субъектлари ҳисобланган санитар тозалаш корхоналарининг иқтисодий ҳолатига салбий таъсир кўрсатган, оқибатда чиқиндиларни **тўплаш, олиб чиқиб кетиш, саралаш** ва **қайта ишлаш ишлари** тўлақонли ва самарали равишда амалга оширилмаган;

**учинчидан**, санитар тозалаш хизматлари учун тўловларни амалга оширишда **инсон омилининг** юқорилиги, марказлашган **электрон тўлов тизимининг тўлиқ жорий қилинмаганлиги** ҳамда идоралараро тизимлар билан интеграция қилинмаганлиги натижасида кўрсатилган хизматлар учун тўловлар бўйича **дебитор қарздорлик кўпайган**;

**тўртинчидан, юридик шахсларга** чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизмат кўрсатиш юзасидан **шартномалар тузилмаган** ҳамда бу масалада юридик шахсларнинг масъулияти белгиланмаган.

Аҳолининг маиший чиқиндилар билан боғлиқ **хизматлар сифатидан тўлиқ қониқишини** таъминлаш, ушбу хизматлар даражасини халқаро стандартларга етказиш ва тадбиркорлар учун жозибадорлигини таъминлаш, ҳосил бўлаётган чиқиндиларни **қайта ишлаш даражасини кескин ошириш**, чиқиндиларнинг полигонларда тўпланишининг олдини олиш, атроф-муҳитга етказилаётган салбий таъсирни минималлаштириш, **“ноль чиқинди” тамойилига эришиш** ва айланма (циркуляр) иқтисодиётни ривожлантириш бўйича изчил чора-тадбирларни амалга ошириш **мақсадида**:

**1.** Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик), Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг қўйидаги таклифларига розилик берилсин:

**а) ҳуқуқбузарликлар профилактикаси** бўйича:

белгиланган тартибда автомобиль йўлларида йўл ҳаракати қоидалари бузилганлигини махсус автоматлаштирилган **фото** ва **видео** қайд этиш дастурий-техник воситаларини ўрнатган тадбиркорлик субъектларига **экологик ҳуқуқбузарликларни қайд этиш** ва Давлат экологик назорат инспекциясига хабар бериш ҳуқуқини бериш. Бунда, тадбиркорлик субъектлари жавобгарликка тортиш чоралари кўрилиши натижасида жарима сифатида ундирилган маблағларнинг **20 фоизи миқдоридаги пул мукофоти билан** рағбатлантирилади;

**аҳолига ўз ташаббуси** билан чиқиндихоналарга айланган ёки тизимли равишда чиқиндилар ноқонуний равишда ташлаб кетилиши кузатиладиган ҳудудларда ўз маблағлари ҳисобидан **фото** ва **видео** қайд этиш дастурий-техник воситаларини ўрнатиш юзасидан Вазирликка буюртма бериш имкониятини яратиш. Бунда, жавобгарликка тортиш чоралари кўрилиши натижасида жарима сифатида ундирилган маблағларнинг **20 фоизи миқдоридаги пул мукофоти билан** буюртма берган шахслар рағбатлантирилади;

**экологик патрулга** жалб қилинган Миллий гвардия ва Ички ишлар вазирлиги ходимлари томонидан экологик ҳуқуқбузарликлар бўйича жавобгарликка тортиш чоралари кўрилиши натижасида жарима сифатида ундирилган маблағларнинг **10 фоизи миқдоридаги пул мукофоти билан** ушбу ходимларни рағбатлантириш;

**“Хавфсиз шаҳар”** интеграцияланган тизими доирасида **камералар** орқали **экологик ҳуқуқбузарликларни аниқлаш** тизимини жорий қилиш;

**б) санитар тозалаш корхоналарининг** чиқиндиларни юклаш, ташиш, жойлаштириш ва саралаш ишлари билан шуғулланувчи **ишчилари** ҳамда **ободонлаштириш бошқармаларининг** тозалаш ишлари билан шуғулланувчи **ишчилари** хизматларини рағбатлантириш бўйича:

**мазкур ишчиларга, экофаолларга ва жамоатчилик экология назоратчиларига** Экология жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳар ой **100** тадан велосипед ва бошқа мукофотларни бериш;

**ҳар йили энг узоқ** (камида 10 йил) ва **садоқатли** хизмат кўрсатган ходимлар учун **“Табиат уйғунлиги ҳимоячиси”** танловини ўтказиш ҳамда улардан **100 нафарининг** давлат олий таълим муассасаларига тўлов-контракт асосида ўқишга кирган **фарзандлари** ёки **невараларига контрактининг тўлиқ суммасини** Экология жамғармаси **ҳисобидан тўлаб бериш**. Бунда, талабаларга келгусида давлат органлари ва ташкилотларида камида **уч йил** ишлаб бериш мажбурияти юклатилади;

**в) Вазирлар Маҳкамаси** белгиланган тартибда **ҳар йили “Энг тоза маҳалла”** танловини ўтказиш ва танлов натижалари бўйича ғолиб бўлган **14 та маҳаллага** Экология жамғармаси маблағлари ҳисобидан:

маҳалланинг **тегишли жамғармасига чиқинди йиғиш майдончаларини** қуриш, маҳалладаги ижтимоий объектларга **чиқинди контейнерларини** ўрнатиш ва **дарахтларни экиш учун** жами **500 миллион** сўмдан ўтказиб бериш;

хизматда фойдаланиш учун **1 тадан электромобиль** харид қилиш ва топшириш чораларини кўриш.

**2. Вазирлик** Бош прокуратура билан биргаликда **2024 йил 1 апрелга** қадар:

чиқиндиларни **белгиланмаган жойларга** ташлаш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жарима миқдорини ошириш ҳамда ушбу маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли бўлган ашё ёки маъмурий ҳуқуқбузарликнинг бевосита ашёсини мусодара қилиш жазосини кенгайтириш, чиқиндилар **ташлаб кетилган жойни тозалаш** ва **чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш мажбуриятини** белгилашни;

чиқиндилар тўплаш майдончалари ва уларнинг қўриқланмайдиган (модулли) иншоотларидан чиқиндиларни **ноқонуний равишда тўплаш** ва **олиб чиқиб кетиш учун маъмурий жавобгарлик** киритишни;

**кимёвий, биологик ва бактериологик воситалардан фойдаланган ҳолда**, шунингдек, бинолар, иншоотлар ёки бошқа объектларни қуриш, қайта қуриш, реконструкция қилиш ва ўз ҳудудида қўшимча бино ва иншоотларни қуриш ҳамда капитал таъмирлаш вақтида **атроф-муҳитга зарар етказиш**, шу жумладан, экинларга, ўрмонларга, дарахтларга ёки бошқа ўсимликларга қасддан шикаст етказиш, пайҳон ва нобуд қилганлик учун маъмурий жавобгарлик киритишни;

ҳудудларни тозалашга масъул бўлган **жисмоний ва юридик шахслар ўз вазифаларини бажармаганлиги натижасида атроф-муҳитнинг ифлосланиши учун жавобгарлик киритиш** ҳамда **ушбу ҳудудларни тозалаш ва чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш билан боғлиқ харажатларни қоплаб бериш механизмини жорий этишни** назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда киритиш чораларини кўрсин.

**3. Вазирликнинг санитар тозалаш корхоналари томонидан чиқиндиларни йиғиш, олиб чиқиб кетиш, саралаш ва қайта ишлашга оид қўйидаги таклифлари маъқуллансин:**

**а) 2024 йилдан бошлаб** ҳар йили республика ва маҳаллий бюджетлар параметрлари тасдиқланишидан олдин санитар тозалаш хизматлари учун тўловнинг **энг кам ставкалари (суммаси)ни қайта кўриб чиқиш амалиётини** ушбу Фармонга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ жорий қилиш;

**б) 2024 йил 1 апрелдан бошлаб** кўчмас мулк ҳамда автотранспорт воситалари билан боғлиқ битимларни **нотариал тасдиқлашда қарздорлик мавжудлиги** Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари учун аҳоли томонидан мажбурий тўловларни тўлаш ва ҳисобини юритишнинг ягона электрон тизими (кейинги ўринларда – Ягона электрон тизим) **орқали онлайн режимда текширилиб, қарздорлик бартараф этилганидан кейин нотариал ҳаракатни амалга ошириш;**

**в) истеъмолчилар ҳуқуқларини тўлиқ таъминлаш, тўловларни электрон тизимлар орқали шахсий ҳисобварақларда тўлиқ акс эттиришга қаратилган:**

**2024 йил 1 апрелдан бошлаб барча санитар тозалаш корхоналари томонидан Ягона электрон тизимга уланган ҳолда** фуқароларга хизмат кўрсатиш ҳамда ушбу талабни **бажармаган** корхоналар билан тузилган шартномаларни бекор қилиш ва улар хизмат кўрсатадиган ҳудудларни давлат-хусусий шериклик асосида бошқа корхоналарга бириктириш;

**Ягона электрон тизимнинг узлуксиз фаолиятини таъминлашга** “Санитар тозалаш ишларини ташкил этиш республика маркази” давлат муассасасини (кейинги ўринларда – Марказ) масъул этиб белгилаш;

чиқинди хизматлари учун тўловларни қабул қилиш ҳамда абонентлар ҳисобини юритишни **фақатгина Марказнинг биллинг тизими, электрон тўлов тизимлари ёки тижорат банкларининг тўлов қабул қилиш кассалари орқали амалга ошириш.**

**4. Вазирлик, Энергетика вазирлиги ва “Худудий электр тармоқлари” АЖ, санитар тозалаш корхоналарининг аҳолига қаттиқ маиший чиқиндилар бўйича кўрсатилган хизматлари учун тўловларни амалга оширишда қўшимча қулайликлар яратиш, шаклланаётган қарздорлик тўғрисида ўз вақтида ва қулай тарзда хабардор қилишни йўлга қўйишга қаратилган қўйидаги таклифлари маъқуллансин:**

**а) чиқинди хизматлари учун ойлик тўловлардан қарздорлиги бўлган абонентларни SMS орқали хабардор қилиб бориш;**

**б) қарздорлик вужудга келганлиги тўғрисида олдиндан электрон тўлов тизимлари орқали огоҳлантирилгандан кейин тўловлар амалга оширилмаган тақдирда абонентлар чиқинди хизматлари бўйича қарздорликни бартараф этмаганига қадар уларнинг электр энергияси учун тўловларини қабул қилишни вақтинчалик чеклаш амалиётини қўйидаги босқичларга мувофиқ жорий этиш (электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимига уланмаган ҳудудлар бундан мустасно):**

**1-босқичда – Тошкент ва Нукус шаҳарлари ҳамда вилоятлар марказларида 2024 йил 1 июндан бошлаб чиқинди хизматлари бўйича 6 ой давомида шаклланган қарздорлик учун;**

**2-босқичда – республиканинг барча ҳудудларида 2024 йил 1 ноябрдан бошлаб чиқинди хизматлари бўйича 3 ой давомида шаклланган қарздорлик учун;**

**3-босқичда – республиканинг барча ҳудудларида 2025 йил 1 январдан бошлаб чиқинди хизматлари бўйича 1 ойлик қарздорлик учун.**

**5. Белгилаб қўйилсинки:**

**мазкур Фармон 4-бандининг “б” кичик бандида белгиланган амалиёт татбиқ этилган ҳудудларда биллинг тизимлари фаолиятини техник таъминлаш, тўловларни ўз вақтида амалга ошириш учун керакли шароитлар яратиш мақсадида қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари учун аҳолидан ундирилган тўловларнинг 1 фоиздан ажратмалари автоматик равишда “Худудий электр тармоқлари” АЖ ва Марказнинг махсус ҳисоб рақамларига ўтказилади;**

санитар тозалаш корхоналари чиқинди хизматлари учун тўловларни ҳисоблашнинг ҳаққонийлиги ва тўғрилиги учун масъул бўлади ҳамда ушбу талаб бузилган ҳолларда жабрланувчининг **харажатлари** ва **маънавий зарарини** қоплаб беради;

ушбу Фармон 4-бандининг “б” кичик бандида белгиланган тизим **2023 йил 31 декабрга қадар бўлган** чиқинди хизматлари учун шаклланган қарздорликка татбиқ этилмайди.

**6.** Қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш фаолиятини янада рағбатлантириш мақсадида белгилаб қўйилсинки:

2024 йил 1 июндан бошлаб маиший чиқиндилар таркибидаги иккиламчи **хомашёни реализация қилиш фақат биржа орқали амалга оширилади.** Бундан тадбиркорлик субъектларининг **аҳоли томонидан мустақил сараланган** чиқиндиларни сотиб олиш ҳоллари мустасно;

2024 йил 1 июлдан бошлаб Вазирлик Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги билан биргаликда ишлаб чиқарувчилар ва импорт қилувчилар томонидан қайта ишланиши тўғрисидаги маълумот кўрсатилиши **мажбурий бўлган товарларнинг рўйхати** ва **уларнинг белгиларини** тасдиқлаб боради.

Вазирлик 2024 йил 1 августга қадар ушбу Фармонга 2а-иловада келтирилган чиқиндиларни **қайта ишлашни ёки экологик хавфсиз тарзда утилизация қилишни** йўлга қўйган тадбиркорларга **“яшил субсидиялар”** ажратиш тизимини жорий этсин.

**7.** Қаттиқ маиший чиқиндиларни саралаш тизимини босқичма-босқич ташкил этиш учун 2024–2026 йилларда Тошкент, Ангрэн, Андижон, Бухоро ва Термиз шаҳарлари ҳамда Тошкент туманидаги кўп қаватли уйлар жойлашган ҳудудларда қуйидагиларни назарда тутувчи лойиҳа амалга оширилади:

а) чиқиндиларни чиқинди йиғиш майдончаларида **“қайта ишланадиган”, “қайта ишланмайдиган”** ва **“озик-овқат”** тоифаларига ажратган ҳолда йиғиш ташкил этилади;

б) **2024 йил 1 июлга қадар** мазкур ҳудудларга хизмат кўрсатувчи санитар тозалаш корхоналари томонидан чиқиндиларни тоифаларга ажратган ҳолда тўплаши учун қуйидаги турдаги махсус чиқинди пакетлари (QR-код – матрицали штрих кодли) билан фуқаролар бепул **таъминланади:**

қайта ишланадиган қаттиқ маиший чиқиндилар учун – **шаффоф, рангсиз;**

қайта ишланмайдиган қаттиқ маиший чиқиндилар учун – **қора ранг;**  
озик-овқат чиқиндилари учун – **жигарранг;**

в) қайта ишланадиган қаттиқ маиший чиқиндилар чиқинди йиғиш майдончаларида санитар тозалаш корхоналари томонидан **сотиб олинади**.

Тошкент, Ангрэн, Андижон, Бухоро ва Термиз шаҳарлари ҳамда Тошкент туманидаги кўп қаватли уйлар жойлашган ҳудудларда чиқинди йиғиш майдонларида **сотиб олиш йўли** билан қабул қилинадиган **“қайта ишланадиган” тоифага мансуб чиқинди турлари** рўйхати 2б-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, ушбу бандда назарда тутилган лойиҳанинг амалга оширилиши Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари ва ҳокимликлар томонидан назорат қилинади ҳамда чиқинди йиғиш майдонларини пакетлар билан таъминлаш учун Экология жамғармасидан босқичма-босқич **30 миллиард сўмгача** бўлган маблағлар ажратилади.

**8. Юридик шахсларнинг** маиший чиқиндиларини тўплаш ва олиб чиқишда **қўшимча шарт-шароитлар** яратиш, уларнинг фаолияти натижасида шаклланадиган чиқиндиларнинг **аҳоли яшаётган ҳудудларга ва атроф-муҳитга таъсирини** камайтириш бўйича **2024 йил 1 июлдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:**

а) қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича **юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларга** кўрсатиладиган хизматлар **оммавий оферта** асосида амалга оширилади. Бунда оферта шартномаси фақатгина фаолияти давомида алоҳида **кўчмас мулкдан фойдаланадиган** юридик шахслар ёки якка тартибдаги тадбиркорлар билан мазкур кўчмас мулк жойлашган **ҳудудга бириктирилган** санитар тозалаш корхонаси ўртасида тузилади;

б) Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар учун уларнинг **фаолият турлари** ва **хусусиятларидан** келиб чиқиб, **чиқинди тўплаш меъёрларини тасдиқлайди** ҳамда оммавий офертадаги **тўлов суммалари** ушбу меъёрларга асосланган ҳолда белгиланади;

в) шартномалар тузилиши қўйидаги ҳолатларда **мажбурий ҳисобланмайди:**

юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор фаолият олиб борадиган ҳудудда санитар тозалаш корхоналари фаолияти йўлга қўйилмаганда;

юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор фаолият олиб борадиган ҳудудда **ўрнатилган меъёрларга** мувофиқ **маиший чиқиндиларни йиғиш майдончалари** (контейнер ёки махсус чиқиндиларни сақлаш жойлари) **жойлаштирилмаган тақдирда**, бунда маиший чиқиндиларни йиғиш майдончаларини (контейнер ёки махсус чиқиндиларни сақлаш жойлари) жойлаштириш меъёр ва тартиблари Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади;

юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркорда қаттиқ маиший **чиқиндиларни олиб чиқиш учун** мўлжалланган **махсус автотранспорт** воситаси мавжуд бўлганда ҳамда у билан чиқинди **полигони ўртасида** қаттиқ маиший чиқиндиларни жойлаштириш ва утилизация қилиш бўйича **шартномалар** тузилганда;

**г) шартномаларни** оммавий оферта учун махсус платформага жойлаштириб бориш санитар тозалаш корхоналари зиммасига юклатилади.

**9.** Қаттиқ маиший чиқиндиларни бошқаришнинг шундай тизими ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

**а)** қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизмат кўрсатиш ишларини ташкил этиш учун:

Вазирлик – чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида **ягона давлат сиёсатини** ишлаб чиқувчи ва амалга оширувчи, фаолият ва шартномаларга бўлган минимал талабларни, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик лойиҳалари амалга ошириладиган ҳудудларни белгиловчи ҳамда ушбу йўналишда саъй-ҳаракатларни **мувофиқлаштирувчи** орган;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари – санитар тозалаш корхоналари билан қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари юзасидан шартномалар бўйича **бўюртмачи** (давлат шериги);

хизмат кўрсатувчи санитар тозалаш корхонаси – бўюртмачининг ижрочиси (**оператор** – хусусий шерик) ҳисобланади;

**б)** туман (шаҳар)лар ҳудудларини хизмат кўрсатувчи ташкилотларга бириктириб қўйиш қонунчиликда белгиланган тартибда, давлат-хусусий шериклик лойиҳалари доирасида – тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан хусусий шерик ўртасида тузиладиган маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматларини кўрсатиш бўйича **давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга** мувофиқ амалга оширилади;

**в)** ҳудудларда чиқиндиларни олиб чиқиб кетишда кенг қамровли ўзилишлар содир бўлган ҳолатда **сафарбар этиш учун** Марказ ҳузурида чиқинди ташувчи техникалардан иборат **захира гуруҳи тузилади** ва ушбу захира гуруҳининг ишлаш тартиби **3-иловага** мувофиқ белгиланади.

**10.** Белгилаб қўйилсинки:

**а) 2024 йил 1 июндан бошлаб** белгиланган тартибда махсус техникага эга бўлган санитар тозалаш корхоналари томонидан қуйидаги чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш **келишилган нархларда алоҳида тўлов** эвазига амалга оширилади:



саноат чиқиндилари;  
суюқ маиший чиқиндилар;  
йирик ҳажмли маиший чиқиндилар;  
қурилиш чиқиндилари ва тупроқ;  
тиббиёт чиқиндилари;  
заҳарли-кимёвий чиқиндилар;

**б) 2025 йил 1 январдан бошлаб** қаттиқ маиший, қурилиш, суюқ маиший, тиббиёт, саноат, хавfli ва заҳарли чиқиндиларни ташиш **лицензияланадиган** фаолият ҳисобланади. Бунда:

юридик ва жисмоний шахсларнинг махсус техникалари **GPS** ва **махсус камераларга** эга бўлиши ҳамда махсус техникаларнинг **GPS** ҳаракатини **махсус камералар орқали онлайн кузатиб туриш учун аҳолига** имконият яратилиши лицензия талабларидан бири этиб белгиланади;

лицензия Вазирлик томонидан берилади;

**в) 2024 йил 1 ноябрдан бошлаб** қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизмати билан шуғулланувчи ташкилотларнинг фуқаролик жавобгарлигини **мажбурий суғурта қилиш** тизими жорий этилади.

**11. Қўйидагилар:**

**2024–2026 йилларда республика ҳудудида қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш манзилли дастури 4-иловага мувофиқ;**

**2024–2025 йилларда қаттиқ маиший чиқинди полигонларини рекультивация қилиш ва тупроқ қатлами билан ёпиш манзилли дастури 4а-иловага мувофиқ;**

**2024 йилда маиший чиқинди полигонларини тегишли муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш манзилли дастури 4б-иловага мувофиқ;**

**2024–2025 йилларда қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта юклаш станцияларини ташкил этиш бўйича манзилли дастур 4в-иловага мувофиқ;**

**2024–2028 йилларда ҳудудларда чиқиндиларни қайта ишлаш, муқобил энергия ҳамда органик ўғит ишлаб чиқариш истиқболли лойиҳалари 5-иловага мувофиқ;**

**2024–2028 йилларда ҳудудларда замонавий ярим ер ости чиқинди контейнерларини ўрнатиш бўйича истиқболли лойиҳалар 6-иловага мувофиқ;**

**2024–2026 йилларда қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта юклаш станцияларини ташкил этиш бўйича истиқболли лойиҳалар 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

**12. Белгилансинки:**

ушбу Фармон билан тасдиқланган манзилли дастур ва истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш натижасида **2030 йилдан эътиборан** қайта ишлашга, термик усулда муқобил энергия ишлаб чиқаришга яроқли чиқиндиларни **маиший чиқинди полигонларига жойлаштириш тақиқланади;**

4, 4а, 4б, 4в-иловаларда 2024–2026 йилларда амалга оширилиши белгиланган тадбирлар учун Вазирликка Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан **479,8 миллиард сўм маблағ** ажратилади. Бунда, белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун Вазирлик буюртмачи ҳисобланади;

Чиқиндиларни бошқариш тизимини мувофиқлаштириш ва айланма (циркуляр) иқтисодиётни ривожлантириш бўйича республика комиссиясига мазкур Фармонга 4, 4а, 4б, 4в-иловаларда назарда тутилган манзилли дастурларга ўзгартириш киритиш ҳуқуқи берилади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 5–7-иловаларда белгиланган истиқболли лойиҳалар юзасидан лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, маҳаллий ва хорижий инвесторларни ва санитар тозалаш корхоналарини жалб қилиш ҳамда лойиҳаларни амалга ошириш учун масъул бўлади;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 апрелдаги ПҚ–4291-сон қарори доирасида 7-иловада белгиланган истиқболли лойиҳаларнинг амалга оширилишига лойиҳада белгиланган ҳудудга бириктирилган санитар тозалаш корхоналари масъул бўлади.

**13. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш мақсадида:**

**а) 8-иловага мувофиқ тозалашга масъул бўлган шахсларнинг аниқ ҳудудлари ва мажбуриятини белгилаш.** Бунда, ушбу иловада келтирилган шахслар белгиланган ҳудудларда тозалаш ишларини амалга оширмаган тақдирда қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортилади;

**б) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига давлат шериги сифатида ободонлаштириш бошқармасининг функцияларини давлат-хусусий шерикчилик асосида тадбиркорлик субъектларига ўтказиш ҳуқуқи берилади.**

Бунда, 2024–2025 йилларда ҳар бир вилоятда тажриба тариқасида камида биттадан туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармаларининг функциялари давлат-хусусий шериклик асосида тадбиркорлик субъектларига ўтказилади.

**14.** Аҳолига қулай санитария-гигиена шароитларини яратиш, туристик жозибадорликни ошириш ва атроф-муҳитга салбий таъсирни камайтириш мақсадида **2024 йил 1 майдан** бошлаб тадбиркорлик субъектларига жамоат жойлари, ижтимоий объектлар ва аҳоли пунктларининг белгиланган жойларида **санитария-гигиена шохобчаларини** ташкил этиш ҳуқуқи берилсин. Бунда:

туман (шаҳар) ҳокимлиги томонидан жамоат санитария-гигиена шохобчалари қурилиши мумкин бўлган жойларнинг дислокациясини ҳамда мазкур ҳудуддаги инфратузилма объектлари ва аҳоли ҳаракати гавжумлиги даражаси тўғрисидаги маълумотларни **“E-auksion” тизимидаги алоҳида веб-саҳифада** эълон қилиб боради;

санитария-гигиена шохобчалари ўрнатиладиган жойларни тадбиркорлик субъектларига бириктириш **электрон аукцион савдолари** орқали амалга оширилади;

электрон аукцион савдоларига қўйиш учун санитария-гигиена шохобчалари ўрнатиладиган жойларнинг **минимал қиймати (бошланғич нархи)** Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, туман (шаҳар) ҳокимлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан белгиланадиган тартиб асосида аниқланади;

электрон аукцион савдоларида ҳолиб бўлган тадбиркорлик субъектларига санитария-гигиена шохобчалари ўрнатиладиган жойлар **мулк ёки ижара ҳуқуқи асосида** ажратилади;

электрон аукцион савдоларида ҳолиб бўлган тадбиркорлик субъектлари санитария-гигиена шохобчаларини Вазирлик, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси томонидан белгиланадиган аниқ мезонлар, техник топшириқлар, ўрнатишга қўйиладиган талаблар ва бошқа зарур шартларга мувофиқ бириктирилган жойларда ташкил этади.

**15.** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Кадастр агентлиги билан биргаликда:

**2024 йил 1 июнга** қадар ижтимоий объектларидаги мавжуд барча санитар-гигиена шохобчаларини хатловдан ўтказсин;

**2024 йил 1 сентябрга** қадар барча ҳудудлардаги санитар-гигиена шохобчаларини **таъмирлаш ва реконструкция қилиш бўйича уч йиллик дастурларни** ишлаб чиқсин ва тасдиқланишини таъминласин.

**16.** Санитар тозалаш соҳасида фавқулодда хатарларнинг олдини олиш, молиявий барқарорликни таъминлаш мақсадида Вазирлик ҳузурида юридик шахс мақомига эга нодавлат **Экосанитария жамғармаси** (кейинги ўринларда – Жамғарма) ташкил этилсин.

**17. Экосанитария жамғармасини молиялаштириш манбалари ва Жамғарма маблағларидан фойдаланиш мақсадлари** 9-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки:

Жамғарма маблағларининг даромадлар ва харажатлар сметаси 7 нафар, шу жумладан, 3 нафар Вазирлик, 2 нафар соҳа тадбиркорлари, халқаро аудиторлик (Big Four) компанияси вакили ҳамда танлов асосида тайинланадиган мустақил бошқарувчидан иборат бўлган **Жамғарма Бошқарувчилар Кенгаши** томонидан тасдиқланади. Бунда, Бошқарувчилар Кенгаши раиси ва аъзоларига Жамғарма фаолиятидаги иштироки учун ҳақ тўланади;

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири Жамғарма Бошқарувчилар Кенгашига **раислик** қилади.

**18.** Вазирлик Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Наманган, Сирдарё, Сурхондарё, Жиззах, Самарқанд ва Хоразм вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда **2024 йил 31 декабрга қадар** “Тоза ҳудуд” ДУК фаолият олиб бораётган ҳудудларни давлат-хусусий шериклик тамойили асосида чиқиндиларни саралаш ва қайта ишлаш технологиялари мавжуд санитар тозалаш корхоналарига имтиёзли ҳуқуқ берган ҳолда ўтказиш чораларини кўрсин.

Бунда, чиқиндиларни қайта ишлаш ва иккиламчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш технологиялари ҳамда камида 20 та махсус техникалари бўлган санитар тозалаш корхоналарига устуворлик берилади.

**19. Чиқиндилар билан ишлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни янада такомиллаштириш бўйича “йўл харитаси”** 10-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**20.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 11-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

**21.** Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири А.А. Абдухакимов белгилансин.

Мазкур Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**



**Ш. Мирзиёев**

Тошкент шаҳри

**Маиший чиқинди хизматлари учун тўлов тарифларни мажбурий кўриб чиқиш  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Санитар тозалаш корхоналари	<p>1. Ҳар бир ҳудуднинг (туман/шаҳар) маиший чиқинди хизматлари учун тўлов суммаларини асослантирилган миқдорини ишлаб чиқади.</p> <p>2. Санитар тозалаш ишларини ташкил этиш республика марказига ҳар бир ҳудуд кесимидаги тўлов суммаларини тақдим қилади.</p>	Ҳар йили 1 октябрга қадар
2-босқич	Санитар тозалаш ишларини ташкил этиш республика маркази (Марказ)	<p>1. Санитар тозалаш корхоналари томонидан тақдим қилинган тўлов суммалари асослантирилганлигини ўрганиб чиқади.</p> <p>2. Санитар тозалаш корхоналари томонидан тақдим қилинган тўлов суммалари тўғрисидаги маълумотларни умумлаштирган ҳолда тегишли хулоса асосида Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ҳудудий органларига киритади.</p> <p>3. Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ҳудудий бўлинмаларининг хулосаси асосида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига кўриб чиқиш учун киритади.</p>	Ҳар йили 1 ноябрга қадар
3-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	<p>1. Марказ томонидан тақдим қилинган тўлов суммалари миқдори тўғрисидаги мурожаатини белгиланган тартибда кўриб чиқади.</p> <p>2. Марказ мурожаатида белгиланган тарифларни қабул қилиш ёки рад қилиш масаласи асослигини кўриб чиқади, тегишли Иқтисодиёт ва молия ҳудудий бўлинмалари хулосаси асосида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига кўриб чиқиш учун киритади.</p>	Ҳар йили 1 ноябрдан 20 ноябрга қадар
4-босқич	Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари	Маиший чиқинди хизматлари тарифларини қайта кўриб чиқади ҳамда маъқуллаган тақдирда тасдиқлайди.	Ҳар йили 1 декабрга қадар
5-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	<p>1. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан маиший чиқинди хизматлари тарифлари кўриб чиқилганлиги ва натижаси юзасидан Марказга ахборот тақдим қилади.</p> <p>2. Марказ томонидан тақдим қилинган таклифлар қабул қилинмаган тақдирда, маҳаллий бюджет маблағларидан санитар тозалаш корхоналари зарарларини ҳар ойда қоплаш учун субсидиялар ажратиш тўғрисидаги қарорни тасдиқлайди.</p>	Ҳар йили 1 декабрга қадар  Ҳар йили 1 январга қадар

**Қайта ишланиши рағбатлантириладиган қаттиқ маиший чиқиндилар  
РЎЙХАТИ**

<b>Т/р</b>	<b>Қайта ишлаш иқтисодий самарасиз бўлган чиқинди турлари</b>
<b>1.</b>	Органик чиқиндилардан органик ўғит ишлаб чиқариш (озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги, ободонлаштириш чиқиндилари, шох-шабба, хазон ва б.)
<b>2.</b>	Пиролиз усулда: - газ (электр энергия ишлаб чиқиш учун); - резина хомашёлари; - суюқ ёқилғи
<b>3.</b>	Тетрапак қадоқларини қайта ишлаш
<b>4.</b>	Ток манбалари (батарейка, аккумулятор ва бошқалар)ни қайта ишлаш
<b>5.</b>	Гигиеник воситаларни (тагликлар, маска ва бошқа) қайта ишлаш
<b>6.</b>	Люменисцент лампаларни қайта ишлаш
<b>7.</b>	Шиша чиқиндиларини қайта ишлаш
<b>8.</b>	Электроника ва электротехника қурилмалари чиқиндиларини қайта ишлаш
<b>9.</b>	Кимёвий воситаларни (бўёқ, аэрозол, тормоз, гидравлика ва бошқа агрегатлар суюқликлар, суюлтиргичлар (эритувчи суюқлик, суюлтиргич ва бошқалар) қайта ишлаш
<b>10.</b>	Пластик чиқиндиларнинг айрим турларини қайта ишлаш (PET – полиэтилентерефталат бундан мустасно): - ПЕНД (HDPE) – паст босимдаги полиэтилен; - PVC – поливинилхлорид; - LDPE (PELD) - юқори босимдаги полиэтилен; - PP – полипропилен; - PS – полистирол.

**Кўп қаватли уйлар жойлашган ҳудудларда чиқинди йиғиш майдонларида  
сотиб олиш йўли билан қабул қилинадиган “қайта ишланадиган”  
тоифага мансуб чиқинди турлари  
РЎЙХАТИ**

Т/р	“Қайта ишланадиган” тоифага мансуб чиқинди турлари
1.	Пластик чиқиндиларнинг барча турлари. Жумладан: - PET – полиэтилентерефталат; - PEHD (HDPE) – паст босимдаги полиэтилен; - PVC – поливинилхлорид; - LDPE (PELD) – юқори босимдаги полиэтилен; - PP – полипропилен; - PS – полистирол; - бошқа турдаги пластик чиқиндилар.
2.	Қоғоз чиқиндилар, макулатура. Жумладан: <i>газета, журналлар; қоғоз ўрамлар, картон; офис қоғозлари; ва бошқа қоғоз чиқиндилар.</i>
3.	Қора ва рангли металл чиқиндилари ва ломмлари
4.	Ишлатилган шиша маҳсулотлари ва чиқиндилари
5.	Тўқимачилик материаллари чиқиндилари
6.	Резина ва резинатехника маҳсулотлари чиқиндилари. Жумладан: <i>автошина, автокамера; транспортёр ленталари; ва бошқалар.</i>



**Санитар тозалаш ишларини ташкил этиш республика маркази  
ҳузурида чиқинди ташувчи техникаларидан иборат  
Захира гуруҳини шакллантириш ва ушбу гуруҳ ишини ташкил этиш  
ТАРТИБИ**

**1.** Ҳудудларда чиқиндиларни олиб чиқиб кетишда кенг қамровли узилишлар содир бўлган ҳолатда ушбу ҳудудларга **сафарбар этиш учун** Санитар тозалаш ишларини ташкил этиш республика маркази ҳузурида камида **50 та** чиқинди ташиш техникаларидан иборат **Захира гуруҳи тузилади.**

**2.** Захира гуруҳи учун махсус техникалар парки экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирининг буйруғи асосида ҳудудий “Тоза ҳудуд” ДУКлари балансидаги ҳамда халқаро молия институтларининг кредит ва грант маблағлари, махсус техникаларни давлат-хусусий шериклик лойиҳалари доирасида хусусий шерикларга сотишдан келиб тушадиган маблағлар, Экология жамғармаси ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар эвазига харид қилинган махсус техникалар ҳисобидан шакллантирилади.

**3.** Захира гуруҳи учун махсус техникалар паркани ўрнатилган тартибда сақлаш Санитар тозалаш ишларини ташкил этиш республика маркази томонидан амалга оширилади.

**4.** Қўйидаги ҳолатларда чиқинди ташувчи техникаларидан иборат Захира гуруҳи ҳудудларга сафарбар этилади:

санитар тозалаш корхонаси томонидан ўзига бириктирилган ҳудудда сурункали 2 ҳафта давомида санитар тозалаш ишларини амалга оширишни тўхтатганида;

давлат шериги (ҳудудий ҳокимликлар, ҳудудий экология бошқармалари) томонидан санитар тозалаш корхонаси билан тузилган санитар тозалаш хизмати кўрсатиш учун ҳудудларни бириктириб бериш юзасидан тузилган битим ёки шартномаларни бекор қилиш ташаббуси билан чиқилиши натижасида санитар тозалаш корхонаси ҳудудда фаолиятини тўхтатганида;

хусусий шерик санитар тозалаш хизмати кўрсатиш учун ҳудудларни бириктириб бериш юзасидан тузилган битим ёки шартномалар бекор қилиш ташаббуси билан чиқилиши натижасида санитар тозалаш корхонаси ҳудудда фаолиятини тўхтатганида;

бошқа кўзда тутилмаган ҳолатлар натижасида санитар тозалаш корхонаси томонидан ҳудудга хизмат кўрсатиш тўхтатилганида.

**5.** Ушбу тартибнинг 4-бандининг учинчи хатбошисида кўрсатилган асос билан санитар тозалаш корхонаси ҳудудида фаолияти тўхтатилганида,

унга давлат-хусусий шериклик ва бошқа шартномалар асосида давлат томонидан берилган **техникалар** хатлов қилинади ҳамда суднинг тегишли қарори чиққунга қадар **Захира гуруҳи томонидан аҳолига хизмат кўрсатишда фойдаланилади.**

6. Захира гуруҳини ҳудудга сафарбар қилиш экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири ҳамда тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг **қўшма қарорлари** асосида амалга оширилади.

7. Қўшма қарор қабул қилинганидан сўнг **2 кун муддатда** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ҳудудий “Тоза ҳудуд” ДУКларида Захира гуруҳи техникаларини бошқариш учун талаб этиладиган экипаж аъзоларини (ҳайдовчи ва юкловчиларни) шакллантиради.

8. Захира гуруҳининг сафарбарлиги ҳудуд ўрнатилган тартибда санитар тозалаш корхонасига бириктириб берилгунга қадар ҳамда ҳудудда санитар тозалаш ишлари тиклангунга қадар давом этади.

9. Захира гуруҳи қуйидаги таркибда шаклланади:

Т/р	Лавозими	Ишчи гуруҳда иштироки
1.	Санитар тозалаш ишларини ташкил этиш республика маркази раҳбари	Ишчи гуруҳ раҳбари
2.	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик, экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича ўринбосарлари	Ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари
3.	Ҳудудий экология органи раҳбари	Ишчи гуруҳ аъзоси
4.	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги юристконсулти	Ишчи гуруҳ аъзоси
5.	Ҳудудий “Тоза ҳудуд” ДУК директори	Ишчи гуруҳ аъзоси

2024 – 2026 йилларда республика ҳудудида қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш  
МАНЗИЛЛИ ДАСТУРИ

Т/р	Ҳудуд номи	Жами маблағ, млн сўм	Шундан:							
			рекультивация қилиниб, тупроқ билан ёпиладиган полигонлар*		рекультивация қилинадиган ва инфратузилма объектлари барпо этиладиган, фойдаланилиши давом эттириладиган полигонлар**		замонавий талаблар асосида намунавий полигон ташкил этиш		қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта юклаш станцияларини ташкил этиш***	
			сони	харажат, млн сўм	сони	харажат, млн сўм	сони	харажат, млн сўм	сони	харажат, млн сўм
Республика бўйича		479 772,2	36	29 596,7	6	7 675,5	2	227 000,0	17	215 500,0
<b>2024 йилда</b>										
2024 йилда жами		174 395,5	24	18 420,0	6	7 675,5	1	112 000,0	3	36 300,0
1	Қорақалпоғистон Республикаси	1 355,0	1	1 355,0						
2	Андижон вилояти	2 243,2	6	2 243,2						
3	Бухоро вилояти	75,3	1	75,3						
4	Қашқадарё вилояти	2 107,7	3	2 107,7						
5	Наманган вилояти	361,3	3	361,3						
6	Самарқанд вилояти	361,3	1	361,3						
7	Сурхондарё вилояти	10 087,0	4	10 087,0						
8	Сирдарё вилояти	7 675,5			6	7 675				
9	Тошкент вилояти	149 677,6	2	1 377,6			Оҳангарон тумани полигони (32 га)	112 000,0	3	36 300,0
10	Фарғона вилояти	301,1	2	301,1						
11	Хоразм вилояти	150,6	1	150,6						
<b>2025 йилда</b>										
2025 йилда жами		190 376,6	12	11 176,6					14	179 200,0
1	Фарғона вилояти	67 176,6	5	3 176,6					5	64 000,0
2	Тошкент вилояти	123 200,0	7	8 000,0					9	115 200,0
<b>2026 йилда</b>										
2025 йилда жами		115 000,0					1	115 000,0		
1	Фарғона вилояти	115 000,0					Фарғона туманида жойлашган Фарғона шаҳри полигони (74,7 га)	115 000,0		

\*2024–2025 йилларда қаттиқ маиший чиқинди полигонларини рекультивация қилиш ва тупроқ қатлами билан ёпиш манзилли дастури 4а-иловага мувофиқ келтирилган

\*\* 2024 йилда маиший чиқинди полигонларини тегишли муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш манзилли дастури 4б-иловага мувофиқ келтирилган

\*\*\* 2024–2025 йилларда қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта юклаш станцияларини ташкил этиш бўйича манзилли дастур 4в-иловага мувофиқ келтирилган

2024 – 2025 йилларда қаттиқ маиший чиқинди полигонларини рекультивация қилиш ва тупроқ қатлами билан ёпиш

**МАНЗИЛЛИ ДАСТУРИ**

Т/р		Объектнинг номи	Жойлашган манзили	Ер участкаси майдони (га)	Полигонни ёпиш қиймати, млн сўм
<b>Жами</b>				<b>205,0</b>	<b>29 596,7</b>
<b>2024 йил</b>					
<b>Қорақалпоғистон Республикаси</b>					
1	1	Тахиатощ тумани	Тахиатощ тумани, "Найманкўл" ОФЙ	11	1 355,0
				<b>11</b>	<b>1 355,0</b>
<b>Андижон вилояти</b>					
2	1	Андижон тумани	Андижон тумани, "Гулистон" МФЙ	2	301,1
3	2	Избоскан тумани	Избоскан тумани, "Мангуберди" МФЙ	1,8	271,0
4	3	Пахтаобод тумани	Андижон тумани, Ҳақиқат массиви	2	301,1
5	4	Булоқбоши тумани	Булоқбоши тумани, "Жўраполвон" МФЙ	2	301,1
6	5	Асака тумани	Асака тумани, "Неъматобод" МФЙ	5,1	767,8
7	6	Олтинкўл тумани	С.Ашуров массиви	2	301,1
<b>жами</b>				<b>14,9</b>	<b>2 243,2</b>
<b>Бухоро вилояти</b>					
8	1	Ромитан тумани	Ромитан тумани, "Қизилработ" МФЙ	0,5	75,3
<b>жами</b>				<b>0,5</b>	<b>75,3</b>
<b>Қашқадарё вилояти</b>					
9	1	Ғузор тумани	Ғузор тумани, "Хумдон" МФЙ Сангишкон қишлоғи	3	150,6
10	2	Миришкор тумани	Миришкор тумани, "Помиқ" МФЙ	2	150,6
11	3	Қарши шаҳри	Қўкдала тумани Қўнғиртоғ массиви	12	1 806,6
<b>жами</b>				<b>17</b>	<b>2 107,7</b>
<b>Наманган вилояти</b>					
12	1	Мингбулоқ тумани	Мингбулоқ тумани, "Мадяр овул" МФЙ	2	150,6
13	2	Чортоқ тумани	Чортоқ тумани, "Ҳазратишоҳ" МФЙ	0,5	75,3
14	3	Янгиқўрғон тумани	Янгиқўрғон тумани, "Юқори Қораёнтоқ" МФЙ	0,9	135,5
<b>жами</b>				<b>3,4</b>	<b>361,3</b>
<b>Сурхондарё вилояти</b>					
15	1	Ангор тумани	Ангор тумани, Қорақир массиви	3	451,7
16	2	Жарқўрғон тумани	Жарқўрғон тумани, Какайди массиви	2	301,1
17	3	Термиз шаҳри	Термиз тумани, Гулистон маҳалласи	60	9 033,1
18	4	Қизириқ тумани	Қизириқ тумани, Бандихон массиви	2	301,1
<b>Жами:</b>				<b>67,0</b>	<b>10 087,0</b>
<b>Самарқанд вилояти</b>					
19	1	Иштихон тумани маиший чиқиндиларни жойлаштириш полигони	Иштихон тумани, Кўтарма қишлоғи	2,4	361,3
<b>Жами:</b>				<b>2,4</b>	<b>361,3</b>
<b>Тошкент вилояти</b>					
20	1	Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри марказий чиқинди полигони	Бекобод тумани "Хос" МФЙ	6,6	993,6
21	2	Тошкент вилояти, Бўка тумани марказий чиқинди полигони	Абдулла Қодирий кўчаси 4-уй	2,55	383,9
<b>Жами:</b>				<b>9,15</b>	<b>1 377,6</b>

06.01.2024-й.					
<b>Фарғона вилояти</b>					
22	1	Қувасой шаҳри	Қувасой шаҳри "Арсиф" МФЙ	1	75,3
23	2	Олтиариқ тумани	Олтиариқ тумани "Қапчугай" МФЙ	3	225,8
<b>Жами:</b>				<b>4</b>	<b>301,1</b>
<b>Хоразм вилояти</b>					
24	1	Боғот тумани	Боғот тумани, "Обод" МФЙ Бешариқ қишлоғи	1	150,6
<b>Жами:</b>				<b>1</b>	<b>150,6</b>
<b>2024 йил жами</b>				<b>130,4</b>	<b>18 420,0</b>
<b>2025 йил</b>					
<b>Тошкент вилояти</b>					
25	1	Пискент тумани	"Майилбод" МФЙ	1,5	225,0
26	2	Юқори Чирчиқ тумани	"Булоқбоши" МФЙ	3,0	445,0
27	3	Ангрен шаҳри	"Эски боғу Сурх" МФЙ	23,8	3 560,0
28	4	Оққўрғон тумани	"Султонобод" МФЙ	8,1	1 205,0
29	5	Паркент тумани	"Самсарак" МФЙ	3,0	455,0
30	6	Чиноз тумани	"Ҳамза" МФЙ	8,1	1 205,0
31	7	Қибрай тумани	"Зафаробод" МФЙ	6,1	905,0
<b>Жами:</b>				<b>53,5</b>	<b>8 000,0</b>
<b>Фарғона вилояти</b>					
32	1	Ёзёвон тумани маиший чиқинди полигони	Ёзёвон тумани, "Марказий Фарғона" МФЙ	4,6	692,5
33	2	Қува тумани	Қува тумани, "Бўстон" МФЙ	1,5	225,8
34	3	Фарғона тумани маиший чиқинди полигони	Фарғона тумани, "Чимён" ҚФЙ	2,0	301,1
35	4	Фарғона шаҳри маиший чиқинди полигони	Фарғона тумани, "Саткак" МФЙ	8,0	1 204,4
36	5	Марғилон шаҳри маиший чиқинди полигони	Фарғона тумани, "Саткак" МФЙ	5,0	752,8
<b>Жами:</b>				<b>21,1</b>	<b>3 176,6</b>
<b>2025 йил жами</b>				<b>74,6</b>	<b>11 176,6</b>

2024 йилда маиший чиқинди полигонларини тегишли муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш  
МАНЗИЛЛИ ДАСТУРИ

млн сўм

Т/р	Жойлашган манзили	Ер майдон, га	Жами маблағ	Шу жумладан																	
				полигонни рекултивация қилиш		полигон атрофини ўраш		полигонларга бориш ва кириш йўллари асфальтлаш		маиший хона қуриш	санитар хона қуриш	энергия тармоғи тортиш		техник сув таъминоти	автотарози харид қилиш ва ўрнатиш	кузатув камералари, қуёш батареялари, компьютер ва бошқа ҳисоблаш техникаларидан иборат жамланма	полигон атрофида 4 қатордан иҳота дарахтзорлар барпо этиш				
				майдони, га	суммаси	девор узунлиги, п/м	суммаси	йўл узунлиги, км	суммаси			узунлиги, км	суммаси				узунлиги, м	дарахтлар сони	сўғориш тизими нархи	кўчатлар нархи	жами харажат
1	Боёвут тумани	3	1 534,0	1,2	180,0	600,0	540,0			150,0	60,0	0,1	10,0	50,0	250,0	100,0	2 771,3	1 385,6	138,6	55,4	194,0
2	Гулистон тумани	2,7	2 646,0	0,8	120,0	700,0	630,0	1,9	912,0	150,0	60,0	1,9	190,0	50,0	250,0	100,0	2 629,1	1 314,5	131,5	52,6	184,0
3	Оқолтин тумани	2	1 797,1	0,8	120,0	623,0	560,7	0,6	288,0	150,0	60,0	0,6	60,0	50,0	250,0	100,0	2 262,7	1 131,4	113,1	45,3	158,4
4	Сардоба тумани	8,3	787,7	2,1	315,0								0,0	50,0		100,0	4 609,6	2 304,8	230,5	92,2	322,7
5	Сирдарё тумани	5	1 010,4	2,4	360,0									50,0	250,0	100,0	3 577,7	1 788,9	178,9	71,6	250,4
6	Ширин шаҳри	1,8	625,3	0,5	75,0									50,0	250,0	100,0	2 146,6	1 073,3	107,3	42,9	150,3
	<b>Сирдарё вилояти жами</b>	<b>22,8</b>	<b>7 675,5</b>	<b>7,8</b>	<b>1 170,0</b>	<b>1 923,0</b>	<b>1 730,7</b>	<b>2,5</b>	<b>1 200,0</b>	<b>450,0</b>	<b>180,0</b>	<b>2,6</b>	<b>260,0</b>	<b>300,0</b>	<b>1 250,0</b>	<b>600,0</b>	<b>7 639,9</b>	<b>3 819,9</b>	<b>382,0</b>	<b>152,8</b>	<b>534,8</b>

2024–2025 йилларда қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта юклаш станцияларини ташкил этиш бўйича  
МАНЗИЛЛИ ДАСТУР

(млн сўм)

Т/р	Худуд номи	Жами талаб этиладиган маблағ	Шу жумладан:									
			қайта юклаш станцияларини қуриш		чиқиндини зичлаш ва катта ҳажмдаги чиқинди контейнерларини ташишга мўлжалланган махсус техника мажмуасини харид қилиш		шундан, мажмуа қисмлари:					
							контейнер ташишга мўлжалланган, илгакли махсус техника		зичланган чиқиндилар учун контейнер (МС 20/001-003, 27 м3 ҳажмли)		чиқиндиларни зичлаш ускунаси (Max aicher HP 250, 400 метр куб/соат)	
сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси	
<b>Жами</b>		<b>215 500,0</b>	<b>17</b>	<b>101 400,0</b>	<b>17</b>	<b>114 100,0</b>	<b>34</b>	<b>38 500,0</b>	<b>68</b>	<b>16 700,0</b>	<b>17</b>	<b>58 900,0</b>
<b>2024 йилда</b>												
<b>2024 йилда жами</b>		<b>36 300,0</b>	<b>3</b>	<b>17 400,0</b>	<b>3</b>	<b>18 900,0</b>	<b>6</b>	<b>6 300,0</b>	<b>12</b>	<b>2 700,0</b>	<b>3</b>	<b>9 900,0</b>
<b>Тошкент вилояти</b>												
1	Олмалиқ шаҳри	12 100,0	1	5 800,0	1	6 300,0	2	2 100,0	4	900,0	1	3 300,0
2	Тошкент тумани	12 100,0	1	5 800,0	1	6 300,0	2	2 100,0	4	900,0	1	3 300,0
3	Ангрен шаҳри	12 100,0	1	5 800,0	1	6 300,0	2	2 100,0	4	900,0	1	3 300,0
<b>Жами</b>		<b>36 300,0</b>	<b>3</b>	<b>17 400,0</b>	<b>3</b>	<b>18 900,0</b>	<b>6</b>	<b>6 300,0</b>	<b>12</b>	<b>2 700,0</b>	<b>3</b>	<b>9 900,0</b>
<b>2025 йилда</b>												
<b>2025 йилда жами</b>		<b>179 200,0</b>	<b>14</b>	<b>84 000,0</b>	<b>14</b>	<b>95 200,0</b>	<b>28</b>	<b>32 200,0</b>	<b>56</b>	<b>14 000,0</b>	<b>14</b>	<b>49 000,0</b>
<b>Тошкент вилояти</b>												
4	Ўрта Чирчиқ тумани	12 800,0	1	6 000,0	1	6 800,0	2	2 300,0	4	1 000,0	1	3 500,0
5	Пискент тумани	12 800,0	1	6 000,0	1	6 800,0	2	2 300,0	4	1 000,0	1	3 500,0
6	Бўка тумани	12 800,0	1	6 000,0	1	6 800,0	2	2 300,0	4	1 000,0	1	3 500,0
7	Қуйи Чирчиқ тумани	12 800,0	1	6 000,0	1	6 800,0	2	2 300,0	4	1 000,0	1	3 500,0
8	Чиноз тумани	12 800,0	1	6 000,0	1	6 800,0	2	2 300,0	4	1 000,0	1	3 500,0
9	Қибрай тумани	12 800,0	1	6 000,0	1	6 800,0	2	2 300,0	4	1 000,0	1	3 500,0
10	Бўстонлиқ тумани	12 800,0	1	6 000,0	1	6 800,0	2	2 300,0	4	1 000,0	1	3 500,0
11	Зангиота тумани	12 800,0	1	6 000,0	1	6 800,0	2	2 300,0	4	1 000,0	1	3 500,0
12	Юқори Чирчиқ тумани	12 800,0	1	6 000,0	1	6 800,0	2	2 300,0	4	1 000,0	1	3 500,0
<b>Жами</b>		<b>115 200,0</b>	<b>9</b>	<b>54 000,0</b>	<b>9</b>	<b>61 200,0</b>	<b>18</b>	<b>20 700,0</b>	<b>36</b>	<b>9 000,0</b>	<b>9</b>	<b>31 500,0</b>
<b>Фарғона вилояти</b>												
13	Ёзёвон тумани	12 800,0	1	6 000,0	1	6 800,0	2	2 300,0	4	1 000,0	1	3 500,0
14	Қўштепа тумани	12 800,0	1	6 000,0	1	6 800,0	2	2 300,0	4	1 000,0	1	3 500,0
15	Қувасой шаҳри	12 800,0	1	6 000,0	1	6 800,0	2	2 300,0	4	1 000,0	1	3 500,0
16	Тошлоқ тумани	12 800,0	1	6 000,0	1	6 800,0	2	2 300,0	4	1 000,0	1	3 500,0
17	Олтиариқ тумани	12 800,0	1	6 000,0	1	6 800,0	2	2 300,0	4	1 000,0	1	3 500,0
<b>Жами</b>		<b>64 000,0</b>	<b>5</b>	<b>30 000,0</b>	<b>5</b>	<b>34 000,0</b>	<b>10</b>	<b>11 500,0</b>	<b>20</b>	<b>5 000,0</b>	<b>5</b>	<b>17 500,0</b>

2024 – 2028 йилларда ҳудудларда чиқиндиларни қайта ишлаш, муқобил энергия ҳамда органик ўғит ишлаб чиқариш  
ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХАЛАРИ\*

Т/р	Ҳудуд номи	Амалга ошириш муддати	Лойиҳанинг прогноз қиймати, млн АҚШ долл.	Чиқиндилардан муқобил энергия ишлаб чиқариш лойиҳалари			Лойиҳанинг прогноз қиймати, млн АҚШ долл.	Чиқиндидан компост усулида органик ўғит ишлаб чиқариш лойиҳалари		Чиқиндиларни қайта ишлаш лойиҳалари		
				Лойиҳага жалб этиладиган чиқинди ҳажми, минг тн*йил	Ишлаб чиқариладиган энергия			Лойиҳага жалб этиладиган чиқинди ҳажми, минг тн*йил	Ишлаб чиқариладиган органик ўғит, минг тн*йил	Лойиҳа номи	Қайта ишлаш қуввати, минг тн*йил	
					Иссиқлик энергияси, минг мВтсоат/йил	Электр энергия, минг мВтсоат/йил						
			725	2775	1160,25	1141,5	131,25	1312,5	1115,625	0	134	
1	Тошкент шаҳри	2024 йил	100	500	Цемент заводларида табиий газ ўрнини босувчи муқобил қаттиқ ёнилғи (RDF) ишлаб чиқарилади		25,0	250	213	Электроника ва электротехника қурилмалари чиқиндиларини қайта ишлаш	17,5	
2	Тошкент вилояти	2025 йил	200	150	76,5	79,0				Мойлаш маҳсулотларини қайта ишлаш	25,0	
										Маиший, саноат ва тиббиёт чиқиндиларини қайта ишлаш	20,0	
3	Фарғона вилояти	Фарғона шаҳри	2024 йил	50	250	127,5	125,0	12,5	125	106	Чиқиндидан пиролиз усулида газ, суюқ ёнилғи ва қаттиқ ёнилғи ёки резина хом ашё маҳсулотларини ишлаб чиқариш	7,5
		Қўқон шаҳри	2028 йил	20	100	51,0	50,0					
4	Наманган вилояти	Наманган шаҳри	2025 йил	40	200	102,0	100,0	10,0	100	85	Гигиеник воситаларни (гигиеник таглик, маска ва бошқа воситаларни) қайта ишлаш	10,0
5	Андижон вилояти	Андижон шаҳри	2025 йил	50	250	127,5	125,0	12,5	125	106	Люменисцент лампаларини қайта ишлаш	1,3
6	Бухоро вилояти	Бухоро шаҳри	2026 йил	40	200	102,0	100,0	10,0	100	85	Шиша чиқиндиларини қайта ишлаш	16,0
		Когон шаҳри	2028 йил	10	50	25,5	25,0	2,5	25	21		
7	Самарқанд вилояти	Самарқанд шаҳри	2026 йил	50	250	127,5	125,0	12,5	125	106	Автошина ва бошқа резина чиқиндиларини қайта ишлаш	12,5
		Каттақўрғон тумани	2028 йил	10	50	25,5	25,0	2,5	25	21		
8	Қашқадарё вилояти	Қарши шаҳри	2026 йил	30	150	76,5	75,0	7,5	75	64	Текстиль маҳсулотлари чиқиндиларини қайта ишлаш	4,5
		Шаҳрисабз шаҳри	2028 йил	10	50	25,5	25,0	2,5	25	21		
9	Сурхондарё вилояти	Термиз шаҳри	2027 йил	30	150	76,5	75,0	7,5	75	64	Тетрапак қадоқларини қайта ишлаш	6,0
		Денов тумани	2028 йил	10	50	25,5	25,0	2,5	25	21		



10	Жиззах вилояти	Жиззах шаҳри	2027 йил	20	100	51,0	50,0	5,0	50	43	Тери маҳсулотлари чиқиндиларини қайта ишлаш	2,0
11	Сирдарё вилояти	Гулистон шаҳри	2027 йил	15	75	38,3	37,5	3,8	38	32	Кимёвий воситаларни (бўёқ, аэрозоли, тормоз, гидравлика ва бошқа агрегатлар суюқликлари, суюлтиргичлар (эритувчи суюқлик, суюлтиргич ва бошқалар) қайта ишлаш	0,8
12	Қорақалпоғистон Республикаси	Нукус шаҳри	2028 йил	20	100	51,0	50,0	5,0	50	43	Суюк чиқиндиларини қайта ишлаш	1,0
13	Хоразм вилояти	Урганч шаҳри	2028 йил	20	100	51,0	50,0	5,0	50	43	Пластик чиқиндиларнинг айрим турларини қайта ишлаш	10,0

*\*Истиқболли лойиҳаларда келтирилган кўрсаткичлар, ҳудудлар ва лойиҳани амалга ошириш муддатларига лойиҳа ҳужжатларидан келиб чиқиб ўзгартириш киритилиши мумкин.*

**2024 – 2028 йилларда ҳудудларда замонавий ярим ер ости  
чиқинди контейнерларини ўрнатиш бўйича  
ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР\***

(млн сўм)

Т/р	Ҳудудлар номи	Илгакли чиқинди ташиш техникаси ва ярим ер ости контейнерларидан иборат мажмуа**	Суммаси	Шундан:			
				илгакли чиқинди ташиш техникаси		ярим ер ости контейнер (GTC, 3 м3 ҳажмли)	
				сони	суммаси	сони	суммаси
<b>Республика бўйича жами</b>		<b>25</b>	<b>57 025</b>	<b>25</b>	<b>30 000</b>	<b>575</b>	<b>27 025</b>
<b>2024 йил</b>							
1	Бухоро шаҳри	2	3 700 862	2	2 400	46	2 162
2	Самарқанд шаҳри	2	4 562	2	2 400	46	2 162
3	Тошкент шаҳри	2	4 562	2	2 400	46	2 162
<b>Жами</b>		<b>6</b>	<b>13 686</b>	<b>6</b>	<b>7 200</b>	<b>138</b>	<b>6 486</b>
<b>2025 йил</b>							
4	Самарқанд шаҳри	1	2 281	1	1 200	23	1 081
5	Андижон шаҳри	2	4 562	2	2 400	46	2 162
6	Жиззах шаҳри	2	4 562	2	2 400	46	2 162
7	Термиз шаҳри	1	2 281	1	1 200	23	1 081
8	Қарши шаҳри	2	4 562	2	2 400	46	2 162
9	Навоий шаҳри	1	2 281	1	1 200	23	1 081
10	Наманган шаҳри	2	4 562	2	2 400	46	2 162
<b>Жами</b>		<b>11</b>	<b>25 091</b>	<b>11</b>	<b>13 200</b>	<b>253</b>	<b>11 891</b>
<b>2026 йил</b>							
11	Бухоро шаҳри	1	2 281	1	1 200	23	1 081
12	Нукус шаҳри	1	2 281	1	1 200	23	1 081
13	Гулистон шаҳри	1	2 281	1	1 200	23	1 081
14	Нурафшон шаҳри	2	4 562	2	2 400	46	2 162
15	Фарғона шаҳри	2	4 562	2	2 400	46	2 162
16	Урганч шаҳри	1	2 281	1	1 200	23	1 081
<b>Жами</b>		<b>8</b>	<b>18 248</b>	<b>8</b>	<b>9 600</b>	<b>184</b>	<b>8 648</b>

\* Истиқболли лойиҳаларда кўрсатилган кўрсаткичлар, ҳудудлар ва лойиҳани амалга ошириш муддатларига лойиҳа ҳужжатларидан келиб чиқиб ўзгартириш киритилиши мумкин

\*\* 1 та мажмуа иловада келтирилган техника шартлари асосидаги 1 та илгакли чиқинди ташиш техникаси ва 23 та ярим ер ости контейнеридан иборат бўлади.

**2024–2026 йилларда қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта юклаш станцияларини ташкил этиш бўйича  
ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАРИ**

(млн сўм)

Т/р	Худуд номи	Жами талаб этиладиган маблағ	Шу жумладан:									
			қайта юклаш станцияларини қуриш		чиқиндини зичлаш ва катта ҳажмдаги чиқинди контейнерларини ташишга мўлжалланган махсус техника мажмуасини харид қилиш		шундан, мажмуа қисмлари:					
							контейнер ташишга мўлжалланган, илгакли махсус техника		зичланган чиқиндилар учун контейнер (МС 20/001-003, 27 м3 ҳажмли)		чиқиндиларни зичлаш ускунаси (400 метр куб/соат)	
сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси	
<b>Республика бўйича жами</b>												
<b>Жами</b>		<b>443 710,0</b>	<b>38</b>	<b>212 533,0</b>	<b>37</b>	<b>231 177,1</b>	<b>74</b>	<b>74 954,7</b>	<b>148</b>	<b>30 857,6</b>	<b>37</b>	<b>125 364,7</b>
1	Қорақалпоғистон Республикаси	35 136,0	3	17 172,0	3	17 964,0	6	5 820,0	12	2 400,0	3	9 744,0
2	Андижон вилояти	35 575,8	3	16 990,3	3	18 585,5	6	6 025,8	12	2 476,3	3	10 083,4
3	Бухоро вилояти	23 328,0	2	11 448,0	2	11 880,0	4	3 880,0	8	1 600,0	2	6 400,0
4	Жиззах вилояти	22 136,6	2	9 635,1	2	12 501,5	4	4 085,8	8	1 676,3	2	6 739,4
5	Қашқадарё вилояти	46 378,1	4	22 330,1	4	24 048,0	8	7 760,0	16	3 200,0	4	13 088,0
6	Навоий вилояти	23 328,0	2	11 448,0	2	11 880,0	4	3 880,0	8	1 600,0	2	6 400,0
7	Наманган вилояти	23 328,0	2	11 448,0	2	11 880,0	4	3 880,0	8	1 600,0	2	6 400,0
8	Самарқанд вилояти	45 874,2	4	21 204,7	4	24 669,5	8	7 965,8	16	3 276,3	4	13 427,4
9	Сурхондарё вилояти	46 944,0	4	22 896,0	4	24 048,0	8	7 760,0	16	3 200,0	4	13 088,0

Т/р	Худуд номи	Жами талаб этиладиган маблағ	қайта юклар станцияларини қуриш		чиқиндини зичлаш ва катта ҳажмдаги чиқинди контейнерларини ташишга мўлжалланган махсус техника мажмуасини харид қилиш		шундан, мажмуа қисмлари:					
			сони	суммаси	сони	суммаси	контейнер ташишга мўлжалланган, илгакли махсус техника		зичланган чиқиндилар учун контейнер (МС 20/001-003, 27 м3 ҳажмли)		чиқиндиларни зичлаш ускунаси (400 метр куб/соат)	
							сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси
10	Сирдарё вилояти	23 328,0	2	11 448,0	2	11 880,0	4	3 880,0	8	1 600,0	2	6 400,0
11	Тошкент вилояти	47 422,8	3	22 753,3	3	24 669,5	6	7 965,8	12	3 276,3	3	13 427,4
12	Фарғона вилояти	47 257,6	4	22 588,1	4	24 669,5	8	7 965,8	16	3 276,3	4	13 427,4
13	Хоразм вилояти	23 672,9	2	11 171,4	2	12 501,5	4	4 085,8	8	1 676,3	2	6 739,4
<b>2024 йил</b>												
<b>Жами</b>		<b>69 299,9</b>	<b>6,0</b>	<b>29 930,9</b>	<b>6,0</b>	<b>39 369,1</b>	<b>12,0</b>	<b>12 874,7</b>	<b>24</b>	<b>5 257,6</b>	<b>6</b>	<b>21 236,7</b>
1	Андижон вилояти	12 103,8	1	5 542,3	1	6 561,5	2	2 145,8	4	876,3	1	3 539,4
2	Жиззах вилояти	10 472,6	1	3 911,1	1	6 561,5	2	2 145,8	4	876,3	1	3 539,4
4	Самарқанд вилояти	10 594,2	1	4 032,7	1	6 561,5	2	2 145,8	4	876,3	1	3 539,4
5	Тошкент вилояти	12 142,8	1	5 581,3	1	6 561,5	2	2 145,8	4	876,3	1	3 539,4
6	Фарғона вилояти	11 977,6	1	5 416,1	1	6 561,5	2	2 145,8	4	876,3	1	3 539,4
7	Хоразм вилояти	12 008,9	1	5 447,4	1	6 561,5	2	2 145,8	4	876,3	1	3 539,4
<b>2025 йил</b>												
<b>Жами</b>		<b>232 714,1</b>	<b>20</b>	<b>113 914,1</b>	<b>20</b>	<b>118 800,0</b>	<b>40</b>	<b>38 800,0</b>	<b>80</b>	<b>16 000,0</b>	<b>20</b>	<b>64 000,0</b>
1	Қорақалпоғистон Республикаси	23 328,0	2	11 448,0	2	11 880,0	4	3 880,0	8	1 600,0	2	6 400,0
2	Андижон вилояти	11 664,0	1	5 724,0	1	5 940,0	2	1 940,0	4	800,0	1	3 200,0

Т/р	Ҳудуд номи	Жами талаб этиладиган маблағ	қайта юклаш станцияларини қуриш		чиқиндини зичлаш ва катта ҳажмдаги чиқинди контейнерларини ташишга мўлжалланган махсус техника мажмуасини харид қилиш		шундан, мажмуа қисмлари:					
			сони	суммаси	сони	суммаси	контейнер ташишга мўлжалланган, илгакли махсус техника		зичланган чиқиндилар учун контейнер (МС 20/001-003, 27 м3 ҳажмли)		чиқиндиларни зичлаш ускунаси (400 метр куб/соат)	
							сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси
3	Бухоро вилояти	23 328,0	2	11 448,0	2	11 880,0	4	3 880,0	8	1 600,0	2	6 400,0
4	Жиззах вилояти	11 664,0	1	5 724,0	1	5 940,0	2	1 940,0	4	800,0	1	3 200,0
5	Қашқадарё вилояти	22 762,1	2	10 882,1	2	11 880,0	4	3 880,0	8	1 600,0	2	6 400,0
6	Навоий вилояти	23 328,0	2	11 448,0	2	11 880,0	4	3 880,0	8	1 600,0	2	6 400,0
7	Наманган вилояти	23 328,0	2	11 448,0	2	11 880,0	4	3 880,0	8	1 600,0	2	6 400,0
8	Самарқанд вилояти	11 664,0	1	5 724,0	1	5 940,0	2	1 940,0	4	800,0	1	3 200,0
9	Сурхондарё вилояти	23 328,0	2	11 448,0	2	11 880,0	4	3 880,0	8	1 600,0	2	6 400,0
10	Сирдарё вилояти	23 328,0	2	11 448,0	2	11 880,0	4	3 880,0	8	1 600,0	2	6 400,0
11	Тошкент вилояти	11 664,0	1	5 724,0	1	5 940,0	2	1 940,0	4	800,0	1	3 200,0
12	Фарғона вилояти	11 664,0	1	5 724,0	1	5 940,0	2	1 940,0	4	800,0	1	3 200,0
13	Хоразм вилояти	11 664,0	1	5 724,0	1	5 940,0	2	1 940,0	4	800,0	1	3 200,0
<b>2026 йил</b>												
<b>Жами</b>		<b>141 696,0</b>	<b>12</b>	<b>68 688,0</b>	<b>12</b>	<b>73 008,0</b>	<b>24</b>	<b>23 280,0</b>	<b>48</b>	<b>9 600,0</b>	<b>12</b>	<b>40 128,0</b>
1	Қорақалпоғистон Республикаси	11 808,0	1	5 724,0	1	6 084,0	2	1 940,0	4	800,0	1	3 344,0
2	Андижон вилояти	11 808,0	1	5 724,0	1	6 084,0	2	1 940,0	4	800,0	1	3 344,0

Т/р	Худуд номи	Жами талаб этиладиган маблағ	қайта юклаш станцияларини қуриш		чиқиндини зичлаш ва катта ҳажмдаги чиқинди контейнерларини ташишга мўлжалланган махсус техника мажмуасини харид қилиш		шундан, мажмуа қисмлари:						
							контейнер ташишга мўлжалланган, илгакли махсус техника		зичланган чиқиндилар учун контейнер (МС 20/001-003, 27 м3 ҳажмли)		чиқиндиларни зичлаш ускунаси (400 метр куб/соат)		
							сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси	сони
3	Бухоро вилояти	-		-	0	-		-		-		-	
4	Жиззах вилояти	-		-	0	-		-		-		-	
3	Қашқадарё вилояти	<b>23 616,0</b>	2	11 448,0	2	12 168,0	4	3 880,0	8	1 600,0	2	6 688,0	
6	Навоий вилояти	-		-	0	-		-		-		-	
7	Наманган вилояти	-		-	0	-		-		-		-	
4	Самарқанд вилояти	<b>23 616,0</b>	2	11 448,0	2	12 168,0	4	3 880,0	8	1 600,0	2	6 688,0	
5	Сурхондарё вилояти	<b>23 616,0</b>	2	11 448,0	2	12 168,0	4	3 880,0	8	1 600,0	2	6 688,0	
10	Сирдарё вилояти	-		-	0	-		-		-		-	
6	Тошкент вилояти	<b>23 616,0</b>	2	11 448,0	2	12 168,0	4	3 880,0	8	1 600,0	2	6 688,0	
7	Фарғона вилояти	<b>23 616,0</b>	2	11 448,0	2	12 168,0	4	3 880,0	8	1 600,0	2	6 688,0	

*\*Истиқболли лойиҳаларда кўрсатилган кўрсаткичлар, худудлар ва лойиҳани амалга ошириш муддатларига лойиҳа ҳужжатларидан келиб чиқиб ўзгартириш киритилиши мумкин.*

## Тозалашга масъул бўлган шахсларнинг аниқ ҳудудлари РЎЙХАТИ

Т/р	Ҳудудлар	Масъуллар
1.	Ободонлаштириш объектлари — кўчалар, айланма кўчалар, йўллар, марказий майдонлар, йўлаклар, кўприклар, туннеллар, йўловчилар ўтадиган ер ости йўллари, фавворалар, ариқлар, каналлар, дарёлар, кўллар ва бошқа сув ҳавзаларининг қирғоқлари, аҳолининг маданий-маиший эҳтиёжлари ва ҳордиқ чиқаришини қондириш учун фойдаланиладиган объектлар (маданият ва истироҳат боғлари, ўрмон массивлари, боғлар, бульварлар, хиёбонлар), ташқи ёритиш, реклама паннолари, йўл кўрсаткичлари, порталлар, пешлавҳалар, дренаж (дренажнинг вертикал, ёпиқ ва очиқ горизонтал, ёпиқ коллектори), ирригация новлари тармоқлари, ташқи ёритиш тармоқлари	Ҳокимликлар ҳузуридаги туман ва шаҳар ободонлаштириш бошқармалари*
2.	Кўп квартирали уйларга туташ (чегарадош) ҳудудларда	Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ёки бошқарувчи ташкилотлар томонидан
3.	Якка тартибдаги тураржой уйлари ва ташкилотларнинг ер участкаларида	Жисмоний ва юридик шахслар (ер участкалари эгалари, мулкдорлари ёки доимий фойдаланувчилари, шунингдек, ижарага олувчилар)
4.	Давлат органлари, муассасалари ва корхоналари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига тегишли бино ва иншоотларга туташ (чегарадош) бўлган ер участкаларида	Ушбу ташкилотларнинг ўзлари
5.	Автомобиль йўллари ва сунъий йўл иншоотларида ажратилган ер участкаси доирасида	Ушбу объектларга хизмат кўрсатувчи ташкилотлар (балансда сақловчилар)

6.	Темир йўлларда ажратилган ер участкаси доирасида (чуқур қиялик ва кўтармалар, темир йўлни кесиб ўтиш ва айланиб ўтиш жойлари ва ҳ.к.)	Ушбу объектларга хизмат кўрсатувчи темир йўл ташкилотлари томонидан
7.	Бозорлар ҳудуди ва уларга туташ ҳудудларда	Бозорлар маъмурияти
8.	Жамоат йўловчи транспорти бекатларида жойлашган вақтинчалик савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида	Ушбу объект эгалари томонидан, агар ижара шартномаларида бошқалар назарда тутилмаган бўлса
9.	Савдо дўконлари ёки бошқа савдо нуқталарига, шу жумладан, кўчма шохобчаларга туташ ҳудудларда 5 м радиусда	Кичик чакана савдо ва умумий овқатланиш (озиқ-овқат маҳсулотларини сотиш ва умумий овқатланиш соҳасида хизматлар кўрсатиш палаткалари, дўкончалари), шунингдек, маиший хизмат кўрсатиш (пойабзал таъмирлаш ва шу кабилар) соҳасидаги хўжалик юритувчи субъектлар
10.	Чиқинди йиғиш шохобчалари ва қайта юклаш станцияларининг ер участкалари ҳамда уларнинг туташ (чегарадош) ҳудудлари	Санитар тозалаш корхоналари
11.	Бошқа жойларда	Туман ва шаҳар ҳокимликлари (тозалаш ишларини ташкиллаштириш)

*\*) Белгиланган ҳудудларда тозалаш ишлари амалга оширилмаган тақдирда ҳокимликларнинг тегишли масъулларига белгиланган тартибда чоралар кўрилиши мумкин.*



**Экосанитария жамғармасини молиялаштириш манбалари  
ва Жамғарма маблағларидан фойдаланиш мақсадлари**

1.	<b>Жамғармага йўналтириладиган манбалар</b>	<p>Санитар тозалаш корхоналарининг ихтиёрий ажратмалари миқдорига мутаносиб равишда давлат бюджетидан чиқиндиларни бошқариш соҳасини ривожлантиришга ажратиладиган маблағлар;</p> <p>“Тоза ҳудуд” ДУКларнинг дебитор, шу жумладан, аҳолининг кўрсатилган хизматлар учун тўловлари бўйича қарздорлигидан тушган маблағлар;</p> <p>“Тоза ҳудуд” ДУКлар томонидан санитар тозалаш корхоналарига бўлиб-бўлиб бериш шарти билан берилган махсус техникалар бўйича тўловлар;</p> <p>Жамғарманинг вақтинча бўш турган маблағларини тижорат банкларининг депозитларига жойлаштиришдан тушадиган даромадлар;</p> <p>халқаро молия институтлари ва хорижий молия ташкилотлари маблағлари;</p> <p>жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;</p> <p>қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.</p>
2.	<b>Жамғарма маблағлари сарфланадиган мақсадлар</b>	<p>Халқаро ва маҳаллий молия-банк ташкилотларининг кредитлари бўйича кафолатларни бериш;</p> <p>“Санитар тозалаш ишларини ташкил этиш республика маркази” давлат муассасаси ҳузурида ташкил этиладиган автопаркда 50 та махсус чиқинди ташувчи техникаларни фавқулодда сафарбар этиш учун харид қилиш, сақлаш ҳамда тегишли ҳудуддаги санитар тозалаш корхонаси учун вақтинчалик беғараз бериш;</p>

	<p>тегишли ҳудудларда санитар тозалаш хизматлари бўйича шартнома (битим)лар томонлар келишуви асосида бекор қилинганлиги ёки унинг амал қилиш муддати тугаганлиги, хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ташаббуси, суд қарори, банкротлик ҳолати ёки ўзгача тарзда хизмат кўрсатувчи ташкилот фаолияти тўхтатилган ҳолларда бириктирилган санитар тозалаш корхоналарига даромадлар ва харажатлар ўртасидаги салбий фарқни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг кафиллиги асосида қоплаб бериш.</p>
--	--

**Чиқиндилар билан ишлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни  
янада такомиллаштириш бўйича  
“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”**

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Ижро муддати	Молиялаштириш манбаи	Масъул ижрочилар
1.	<p>Қуйидагиларни назарда тутувчи тартибни белгилаш: автомобиль йўлларида йўл ҳаракати қоидалари бузилганлигини махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситаларини ўрнатган тадбиркорлик субъектларига экологик ҳуқуқбузарликларни қайд этиш ва Давлат экологик назорат инспекциясига хабар бериш ҳуқуқини бериш. Бунда, тадбиркорлик субъектлари жавобгарликка тортиш чоралари кўрилиши натижасида жарима сифатида ундирилган маблағларнинг 20 фоизи миқдоридеги пул мукофоти билан рағбатлантирилиши мумкинлигини назарда тутиш;</p> <p>аҳолига ўз ташаббуси билан чиқиндихоналарга айланган ёки тизимли равишда чиқиндилар ноқонуний равишда ташлаб кетилиши кузатиладиган ҳудудларда ўз маблағлари ҳисобидан фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситаларини ўрнатиш юзасидан Экология вазирлигига буюртма бериш имконини яратиш. Бунда, жавобгарликка тортиш чоралари кўрилиши натижасида жарима сифатида ундирилган маблағларнинг 20 фоизи миқдоридеги пул мукофоти билан буюртма берган шахслар рағбатлантирилиши мумкинлигини назарда тутиш.</p>	2024 йил июль	–	Экология вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги

	<b>Амалга ошириш шакли:</b> норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.			
2.	<p>“Хавфсиз шаҳар” интеграцияланган тизими ва Ички ишлар вазирлигининг “Маъмурий амалиёт” комплекс автоматлаштирилган ахборот тизими доирасида камералар орқали экологик ҳуқуқбузарликларни аниқлаш тизимини жорий қилиш.</p> <p><b>Амалга ошириш шакли:</b> амалий чора-тадбирлар.</p>	2024 йил июнь	Ижрочиларнинг бюджетдан ташқари маблағлари	Экология вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги
3.	<p>Қуйидагиларни назарда тутувчи тартибни белгилаш: Ободонлаштириш бошқармаларининг тозалаш ишлари билан шуғулланувчи ишчилари, санитар тозалаш корхоналарининг чиқиндиларни юклаш, ташиш, жойлаштириш ва саралаш ишлари билан шуғулланувчи ишчилари, экофаоллар ва жамоатчилик экология назоратчиларига Экология жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳар ой 100 тадан велосипед бериш; ҳар йили энг узоқ (камида 10 йил) ва садоқатли хизмат кўрсатган ходимлар учун “Табиат уйғунлиги ҳимоячиси” танловини ўтказиш ҳамда улардан 100 нафарининг давлат олий таълим муассасаларига тўлов-контракт асосида ўқишга кирган бир нафардан фарзанди ёки неварасига тўлов-контракт суммасини (базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 бараваригача бўлган қисмини) Экология жамғармаси ҳисобидан тўлаб бериш. Бунда, талабаларга келгусида давлат органлари ва ташкилотларида камида уч йил ишлаб бериш мажбурияти юклатилишини назарда тутиш. “Энг тоза маҳалла” танловини ўтказиш ва танлов натижалари бўйича ғолиб бўлганларни рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқиш.</p>	2024 йил апрель	Экология жамғармаси маблағлари	Экология вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги

	<b>Амалга ошириш шакли:</b> норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.			
4.	<p>Чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларга кўрсатиладиган хизматларни оммавий оферта асосида тартибга солиш механизмларини ишлаб чиқиш.</p> <p>Бунда, оферта шартномаси фақатгина фаолияти давомида алоҳида кўчмас мулкдан фойдаланадиган юридик шахслар ёки якка тартибдаги тадбиркорлар билан мазкур кўчмас мулк жойлашган ҳудудга бириктирилган санитар тозалаш корхонаси ўртасида тузилишини назарда тутиш.</p> <p><b>Амалга ошириш шакли:</b> норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.</p>	2024 йил июль	–	Экология вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
5.	<p>Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларга кўрсатиладиган хизматларни оммавий оферта асосида амалга оширишни таъминлаш мақсадида Давлат кадастрлари палатасининг платформаси билан санитар тозалаш хизматлари кўрсатганлик учун абонентларнинг ҳисобини юритиш биллинг тизимлари ўзаро интеграция қилинишини таъминлаш.</p> <p><b>Амалга ошириш шакли:</b> амалий чора-тадбирлар.</p>	2024 йил июль	Ижрочиларнинг бюджетдан ташқари маблағлари	Экология вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги
6.	<p>1) Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари учун тўловларни амалга ошириш бўйича янги механизмни жорий қилиш тартибини белгилаш.</p> <p><b>Амалга ошириш шакли:</b> норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.</p> <p>2) Ушбу тартибни жорий қилиш юзасидан: манфаатдор вазирлик ва идораларнинг ҳамкорлик меморандумини имзолаш; тегишли оммавий шартномаларга ўзгартиришлар киритиш.</p> <p><b>Амалга ошириш шакли:</b> амалий чора-тадбирлар.</p>	2024 йил март	–	Экология вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги

7.	<p>Санитар тозалаш корхоналари томонидан жисмоний шахсларни қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш учун мажбурий тўловларни тўлаш ва ҳисобини юритишнинг Санитар тозалаш ишларини ташкил этиш республика марказининг ягона электрон тизимига улаган ҳолда фуқароларга хизмат кўрсатилишини таъминлаш.</p> <p><b>Амалга ошириш шакли:</b> амалий чора-тадбирлар.</p>	2024 йил мартдан бошлаб, доимий	–	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Экология вазирлиги, санитар тозалаш корхоналари
8.	<p>Санитар тозалаш корхоналари томонидан чиқинди хизматлари учун тўловларни ҳисоблашда йўл қўйилган камчиликлар учун фуқароларнинг харажатлари ва маънавий зарарини қоплаб бериш тартибни белгилаш.</p> <p><b>Амалга ошириш шакли:</b> норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.</p>	2024 йил ноябрь	–	Экология вазирлиги, Адлия вазирлиги
9.	<p>Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш, ягона меъёрлар ва стандартларни ишлаб чиқиш, синовдан ўтказиш ва амалиётга татбиқ этишни тартибга солиш мақсадида Экология вазирлиги ҳузуридаги Санитар тозалаш ишларини ташкил этиш республика маркази негизида ва амалдаги штатларини тўлиқ сақлаб қолган ҳолда Экология вазирлиги ҳузуридаги Чиқиндиларни бошқариш ва айланма (циркуляр) иқтисодиётни ривожлантириш агентлигини ташкил этиш.</p> <p><b>Амалга ошириш шакли:</b> норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.</p>	2024 йил апрель	–	Экология вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
10.	<p>Санитар тозалаш корхоналари билан тузилган шартнома шартларига қуйидагиларни назарда тутувчи ўзгартиришлар киритиш:</p>	2024 йил февраль	–	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Экология вазирлиги,

	<p>маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатилган хизматлар натижадорлигини баҳолашнинг асосий самарадорлик кўрсаткичларини белгилаш;</p> <p>маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатилган хизматлар қониқарсиз деб баҳоланган тақдирда, маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари кўрсатувчиларга жарималар белгилаш ҳамда уларни ундириш;</p> <p>хизмат кўрсатувчи ташкилотга жарима солинганидан сўнг кейинги ярим йиллик якуни билан кўрсатилган хизматлар такроран қониқарсиз деб баҳоланиши ёки маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматларини кўрсатишга оид шартнома (битим)га мувофиқ ушбу шартнома (битим)ни бир томонлама бекор қилиш.</p> <p><b>Амалга ошириш шакли:</b> амалий чора-тадбирлар.</p>			санитар тозалаш корхоналари
11.	<p>2025 йил 1 январдан бошлаб атроф-муҳитга таъсир кўрсатишнинг I ва II тоифасига мансуб фаолият турлари билан шуғулланувчи ташкилотлар атроф табиий муҳитни ифлослантирувчи манбаларнинг мониторинги доирасида ифлослантирувчи манбаларда ўрнатиладиган ускуналар маълумотларини Ягона геоахборот маълумотлар базасига онлайн тарзда узатиши мажбурийлигини белгилаш. Бунда:</p> <p>атроф табиий муҳит давлат мониторинги тизимининг ягона геоахборот маълумотлар базасига автоматик интеграция қилмаганлик ва (ёки) базага нотўғри маълумотлар киритганлик учун жавобгарликни белгилаш;</p> <p>қўшимча равишда, ушбу талаб бажарилмаган ҳолатларда (маълумотларни қисман тақдим этиш, умуман тақдим этмаслик ҳамда уларни нотўғри ёки қалбакилаштирилган ҳолда тақдим этиш) юридик шахсларга нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваридан 300 бараваригача</p>	2024 йил июль	—	Экология вазирлиги, Адлия вазирлиги

	<p>бўлган миқдорда молиявий жарималар қўллашни жорий этишни назарда тутиш.</p> <p><b>Амалга ошириш шакли:</b> норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.</p>			
12.	<p>Чиқинди тўплаш шохобчаларида ҳамда санитар тозалаш корхоналарининг махсус техникаларига тегишли санитар тозалаш корхоналари томонидан кузатув камераларини ўрнатиш.</p> <p><b>Амалга ошириш шакли:</b> амалий чора-тадбирлар.</p>	2024–2026 йилларда, доимий равишда	–	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Экология вазирлиги, санитар тозалаш корхоналари
13.	<p>“Тоза ҳудуд”, “Махсустрас”, “Мароқанд Обод” давлат унитар корхоналарининг буюртмасига асосан, уларга тегишли 1 876 та уйчали маиший чиқинди йиғиш шохобчаларини (қурилган ҳудуддаги ер майдонлари ва бино иншоотлари) бепул давлат кадастри рўйхатидан ўтказиб, кадастр йиғма жилдларини шакллантириш.</p> <p><b>Амалга ошириш шакли:</b> амалий чора-тадбирлар.</p>	2024 йил январь – май	–	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Кадастр агентлиги
14.	<p>Ягона электрон тизимни қуйидаги имкониятларни яратиш орқали такомиллаштириш чораларини кўриш:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>санитар тозалаш корхоналарининг маълумотлар базаси;</li> <li>абонентларнинг маълумотлар базаси;</li> <li>санитар тозалаш корхоналари хизмат кўрсатувчи ҳудудларнинг географик чегараси ва тарифлари бўйича маълумотлар базаси;</li> <li>аҳоли ва юридик шахсларга бириктирилган чиқиндиларни йиғиш майдончалари (контейнер) жойлашуви;</li> <li>абонентларнинг ҳосил бўлган чиқиндиларини тўплаш ва олиб чиқиш режа-жадваллари;</li> </ul>	2024 йил май	–	Экология вазирлиги, Кадастр агентлиги, Адлия вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги



	<p>кўрсатилаётган хизматлар сифати ва кўлами бўйича шикоятлар бериш ҳамда санитар тозалаш корхоналари билан қайта алоқа қилиш.</p> <p><b>Амалга ошириш шакли:</b> амалий чора-тадбирлар.</p>			
15.	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, Экология вазирлиги ҳамда “Ўзагрокимёҳимоя” АЖ ва ҳудудий “Агрокимёҳимоя” АЖларни тугатиш бўйича Республика комиссияси заҳарли кимёвий ва бошқа токсик моддалар кўмилган ҳамда сақланаётган махсус объектлар, ободонлаштириш бошқармалари ва бошқа давлат унитар корхоналари ҳамда хусусий корхоналар ҳисобидаги, шунингдек, маиший чиқиндиларни бошқариш соҳасидаги давлат-хусусий шериклик лойиҳалари доирасида хусусий шерикларга вақтинчалик беғараз фойдаланишга берилган қаттиқ маиший чиқинди полигонларини ҳамда қурилиш чиқинди полигонларини Экология вазирлиги ҳузуридаги “Чиқинди полигонларини бошқариш дирекцияси” давлат муассасасига ўтказиш.</p> <p><b>Амалга ошириш шакли:</b> амалий чора-тадбирлар.</p>	2024 йил февраль	–	<p>Экология вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари</p>
16.	<p>Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Дархон даҳаси, Чимкент йўли кўчаси 18-ўйда жойлашган Тошкент тумани, Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти, Дархон илмий-тажриба хўжалигига тегишли ўрмон фонди ерларини Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети (Green University)га бериш ҳамда ушбу ҳудудда яшил жамоат паркни ташкил қилиш.</p> <p><b>Амалга ошириш шакли:</b> амалий чора-тадбирлар.</p>	2024 йил апрель	Экология жамғармаси маблағлари	<p>Экология вазирлиги, Тошкент вилояти ҳокимлиги</p>

17.	<p>Бюджет муассасаларининг санитария-гигиена шохобчаларини тажриба тариқасида тегишли хизмат кўрсатувчи санитар тозалаш корхоналарига тозалаш ва сақлаш вазифаларини юклаган ҳолда бошқарувга бериш, ушбу мақсадларга алоҳида муассасаларнинг бюджет параметрларида назарда тутилган маблағларни йўналтириш ҳамда чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизмати бўйича тарифга қўшиш.</p> <p><b>Амалга ошириш шакли:</b> амалий чора-тадбирлар.</p>	2024–2025 йиллар давомида	Ташкилотларнинг бюджет параметрларида назарда тутилган маблағлари	Мақтабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги
18.	<p>Бюджет муассасаларида шаклланадиган чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича меъёрлар ва улар бўйича белгиланадиган тарифларни тасдиқлаш.</p> <p>Меъёрлар бўйича ушбу хизматга ажратилиши лозим бўлган маблағларни муассасаларнинг ҳар йили шаклланадиган бюджет параметрларида назарда тутиш.</p> <p><b>Амалга ошириш шакли:</b> амалий чора-тадбирлар.</p>	2024 йил февраль	–	Экология вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Мақтабгача ва мактаб таълими вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
19.	<p>Санитар тозалаш корхоналарининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш.</p> <p>Осиё тараққиёт банки иштирокидаги “Қаттиқ маиший чиқиндиларни барқарор бошқариш” лойиҳаси доирасида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 13 та сервис марказларини қуриш, 13 та техник ёрдам машинаси харид қилиш параметрларига ўзгартиришлар киритиш ва иқтисод қилинган маблағларни чиқиндиларни бошқариш соҳасида моддий-техник базани мустаҳкамлаш билан боғлиқ харажатларга йўналтириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш.</p> <p><b>Амалга ошириш шакли:</b> норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.</p>	2024 йил декабрь	–	Экология вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, манфаатдор вазирлик ва идоралар

20.	<p>“Қаттиқ маиший чиқиндиларни барқарор бошқариш” лойиҳаси доирасида Осиё тараққиёт банки кредит маблағлари ҳисобидан сотиб олинаётган ва Санитар тозалаш ишларини ташкил этиш республика маркази орқали талабгорларга етказиб берилаётган махсус техника ва бошқа мол-мулклар бўйича лизинг тўловлари тижорат банклари томонидан талабгорларнинг сўмдаги маблағлари АҚШ долларига конвертация қилинган ҳолда Санитар тозалаш ишларини ташкил этиш республика марказининг махсус ҳисоб рақамига ўтказиш ҳамда ушбу маблағларни санитар тозалаш корхоналарининг асосий фондларини янгилаш, қарз маблағларини қайтариш ва лойиҳа доирасидаги бошқа мақсадларда ишлатиш чораларини кўриш.</p> <p><b>Амалга ошириш шакли:</b> амалий чора-тадбирлар.</p>	2024 йил ноябрь	–	Экология вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Марказий банк
21.	<p>Тиббиёт, ветеринария ва фармацевтика чиқиндиларини утилизация қилишни тартибга солиш, молиялаштириш ҳамда замонавий инфратузилмани яратиш.</p> <p>Утилизация қилиш ва утилизация йиғимларини ундириш тизимини тўлиқ қайта кўриб чиқиш.</p> <p><b>Амалга ошириш шакли:</b> норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари.</p>	2024 йил май	–	Экология вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
22.	<p>Осиё тараққиёт банки кўмагида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида маиший чиқиндиларни саралаш ва қайта ишлаш кластер хизматларини ташкил этиш лойиҳасини амалга ошириш.</p> <p>Бунда:</p> <p>1. Лойиҳа концепцияси ва лойиҳани баҳолаш ҳужжатларини ишлаб чиқиш.</p>	2024 йил июль  2024 йил сентябрь	–	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Экология вазирлиги

	<p>2. Лойиҳа концепциясини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш ва тендер ҳужжатларини тайёрлаб, тендер эълон қилиш.</p> <p>3. Тендер жараёнини ўтказиш ва тендер ғолибини аниқлаш ҳамда давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузиш.</p> <p><b>Амалга ошириш шакли:</b> амалий чора-тадбирлар.</p>	2025 йил май		
23.	<p>Давлат-хусусий шериклик битимлари асосида хусусий шерикка 10 йил муддатга бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан берилган махсус автотранспорт воситалари ва техникаларни “Тоза ҳудуд” давлат унитар корхоналарининг ҳамда хусусий шерикнинг қарздорликлари бўйича хатловга олиш, учинчи шахсларнинг олдидаги қарздорликлар учун тақиққа олиш ҳамда сотиб юборилишининг олдини олиш.</p> <p>Бунда, “Тоза ҳудуд” давлат унитар корхоналари томонидан тижорат банкларидан олинган кредитларнинг таъминоти сифатида гаровга қўйилган махсус автотранспорт воситалари ва техникалар ўрнига гаровга қўйилган мулклар қийматидан кам бўлмаган бошқа мулкларга алмаштириш.</p> <p><b>Амалга ошириш шакли:</b> норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.</p>	2024 йил март	–	Экология вазирлиги, Марказий банк, Бош прокуратура, манфаатдор вазирлик ва идоралар
24.	<p>Қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириб бориш: “Тоза ҳудуд” давлат унитар корхоналарига тегишли бўлган бино-иншоотлар эгалик ҳуқуқини, шу жумладан, кадастр ҳужжатларини расмийлаштиришни бепул амалга ошириш орқали Экология вазирлиги балансига ўтказиш; Экология вазирлиги тизимидаги барча бино-иншоотларни хатловдан ўтказиш; Экология вазирлигига тегишли бўлган бино-иншоотларни сотишдан тушган маблағларнинг 100 фоизини (баҳолаш ва савдога чиқариш харажатларидан ташқари) кейинчалик</p>	2024–2025 йиллар давомида	–	Экология вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Кадастр агентлиги

	<p>Экология вазирлиги ҳудудий бошқармаларининг замонавий экологик талабларга жавоб берадиган “яшил” биноларини қуриш учун Экология жамғармасига йўналтириш;</p> <p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан Экология вазирлиги ҳудудий бошқармаларига биноларни қуриш учун бепул тегишли ер майдонлари белгиланган тартибда ажратилишини таъминлаш.</p> <p><b>Амалга ошириш шакли:</b> амалий чора-тадбирлар.</p>			
25.	<p>Марказга санитар тозалаш корхоналари томонидан кўрсатилган хизматлар учун келиб тушган мажбурий тўловларни акцептсиз тарзда лизинг тўловлари, давлат-хусусий шериклик битимлари асосида қабул қилиб олинган техника ва дебитор қарздорликларни сўндиришга йўналтириш ҳуқуқини бериш ҳамда қолган маблағларни хусусий санитар тозалаш корхоналарининг ҳисоб рақамларига йўналтириш масаласини ўрганиш ва таклиф киритиш.</p> <p><b>Амалга ошириш шакли:</b> норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.</p>	2024 йил апрель	–	Экология вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Марказий банк
26.	<p>Хоразм вилоятида амалга оширилаётган кальций карбонатли ғишт ишлаб чиқариш лойиҳасини тажриба тариқасида йўлга қўйиш учун 3 млн АҚШ доллари миқдорида кредит ажратиш.</p> <p><b>Амалга ошириш шакли:</b> амалий чора-тадбирлар.</p>	2024 йил давомида	–	“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ, Экология вазирлиги
27.	<p>2024–2026 йилларда қаттиқ маиший чиқиндиларни бошқариш соҳасини рақамлаштиришни ташкил этиш.</p> <p>Бунда: чиқиндилар билан ишлаш ва бошқариш соҳасидаги фаолиятни бутун занжир бўйлаб автоматлаштириш, жумладан,</p>	2024–2026 йиллар давомида	Экология жамғармаси, давлат бюджети маблағлари ва қонунчилик билан	Экология вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги

	<p>режалаштириш – тўплаш – ташиш – қайта юклаш – саралаш – утилизация жараёнларини қамраб олиш;</p> <p>қаттиқ маиший чиқиндиларни бошқариш билан шуғулланадиган ташкилотлар ўртасидаги ўзаро таъсир жараёнларини автоматлаштириш;</p> <p>аниқ вақт режимида чиқиндиларни олиб чиқиб кетишни назорат ва мониторинг қилиш;</p> <p>ягона марказлашган маълумотлар базаси стандартларини ишлаб чиқиш ва ягона изчил маълумотлар манбасини ташкил этиш;</p> <p>чиқиндилар билан ишлаш жараёнларини шаффоф тизимга ўтказиш;</p> <p>қаттиқ маиший чиқиндилар операторлари билан маълумотларни алмашиш, шунингдек, тарифларни ҳисоб-китобга асосланган ҳолда ҳисоблашни ташкил этиш;</p> <p>қаттиқ маиший чиқиндиларни бошқаришнинг ҳудудий схемаларини ишлаб чиқиш, шунингдек, уларнинг электрон моделлари асосида соҳани ривожлантириш;</p> <p>шартномалар бўйича ҳисоб-китобларни марказлашган ҳолда назорат қилиш;</p> <p>соҳада иш тажрибасига эга бўлган халқаро ташкилотни ҳамкор сифатида жалб этиш назарда тутилади.</p> <p><b>Амалга ошириш шакли:</b> амалий чора-тадбирлар.</p>		тақиқланмаган бошқа манбалар	
28.	<p>Маиший чиқиндиларни утилизация қилиш ва биогазни қайта ишлаш орқали ишлаб чиқариладиган электр ва иссиқлик энергиясига “яшил тариф” жорий этишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш.</p> <p><b>Амалга ошириш шакли:</b> норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.</p>	2024 йил август	–	Экология вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги

29.	<p>Қаттиқ маиший, қурилиш, суюқ маиший, тиббиёт, саноат, хавфли ва заҳарли чиқиндиларни ташиш фаолиятини лицензиялаш тизимини жорий этиш.</p> <p><b>Амалга ошириш шакли:</b> норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.</p>	2024 йил октябрь	–	Экология вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
30.	<p>Техник ва саноат мойлаш материалларини ишлаб чиқарувчилар ва импорт қилувчилар учун <b>“Ифлослантирувчи тўлайди”</b> тамойили асосида кенгайтирилган мажбуриятларни белгиловчи тартиб ишлаб чиқиш.</p> <p><b>Амалга ошириш шакли:</b> норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.</p>	2024 йил март	–	Экология вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
31.	<p>Қуйидагиларни назарда тутувчи тиббиёт чиқиндиларидан муқобил иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирларини белгилаш.</p> <p>Бунда:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>лоийҳа доирасида 114,5 млн АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш;</li> <li>тиббиёт муассасаларида йилига ҳосил бўладиган 96 минг тонна тиббиёт чиқиндиларини термик қайта ишлаб, иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш;</li> <li>тиббиёт муассасалари ҳудудида ҳосил бўладиган тиббиёт чиқиндиларини лойиҳа компаниясига тўлиқ етказиб бериш ва тиббиёт чиқиндиларини утилизация қилганлик учун тарифларни белгилаш;</li> <li>тиббиёт чиқиндиларини термик қайта ишлаш ҳисобига ишлаб чиқарилган иссиқлик энергиясини тиббиёт муассасалари томонидан “яшил” тарифлар асосида сотиб олиш.</li> </ul> <p><b>Амалга ошириш шакли:</b> норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.</p>	2024 йил апрель	–	Экология вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги

32.	<p>Республикада ишлаб чиқарилмайдиган, биологик чирийдиган полимер материалларни ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнида фойдаланиш учун ўрнатилган тартибда тасдиқланадиган рўйхат асосида олиб кириладиган технологик ускуналар, эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмлар, хомашё ва материалларни божхона божлари тўланишидан озод қилиш чораларини кўриш.</p> <p><b>Амалга ошириш шакли:</b> норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.</p>	2024 йил ноябрь	—	Экология вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
33.	<p>Ҳудудларни тозалашга масъул бўлган жисмоний ва юридик шахсларни белгилаш механизмини татбиқ этишни инобатга олган ҳолда қўйидагиларни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш:</p> <p>ҳудудларни тозалашга масъул бўлган жисмоний ва юридик шахсларга ҳудудларда тозаликни таъминлаш ва ободлаштириш чораларини кўриш маъсулиятини юклаган ҳолда бириктириб бериш;</p> <p>ўз вазифаларини бажармаганлик натижасида бириктирилган ҳудудларда тозаликни таъминламаганлик, чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш чораларини кўрмаганлик ва ободонлаштириш ишларини амалга оширмаганлик учун юридик ва жисмоний шахсларга жавобгарликни киритиш;</p> <p>ҳудудларни тозалаш ва чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш билан боғлиқ харажатларни қоплаб бериш механизмини жорий этиш;</p> <p>ҳар бир маҳаллада тозалик ва яшиллик посбонлари фаолиятини йўлга қўйиш ва уларни рағбатлантириш тизимини жорий этиш.</p> <p><b>Амалга ошириш шакли:</b> қонун лойиҳаси.</p>	2024 йил июль	—	Экология вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
34.	<p>Дарахт ва бута кўчатларини экиш ва парвариш қилиш тизимини қўйидагича янада такомиллаштириш:</p>	2024 йил май	—	Экология вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги



	<p>1) қурилиш ва бошқа ташкилотлар томонидан улар фаолиятдан келиб чиқиб, ҳар йили мажбурий равишда дарахт ва бута кўчатларини экиш механизмини белгилаш;</p> <p><b>Амалга ошириш шакли:</b> қонун лойиҳаси.</p> <p>2) ўзларига тегишли ҳудудларда дарахт ва бута кўчатларини экиб, парвариш қилган жисмоний ва юридик шахсларга ер солиғининг тегишли қисмига имтиёз бериш масаласини ўрганиш.</p> <p><b>Амалга ошириш шакли:</b> таҳлилий маълумотнома.</p>			
35.	<p>“Тоза ҳудуд” давлат унитар корхоналари балансидаги техника воситалари ҳамда тиркамалар (ярим тиркамалар) “Чиқинди полигонларини бошқариш дирекцияси” давлат муассасаси тасарруфига ўтиши муносабати билан уларни рўйхатдан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказишни бепул амалга ошириш.</p> <p><b>Амалга ошириш шакли:</b> амалий чора-тадбирлар</p>	2024 йил давомида	–	Экология вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги

**Изоҳ:** Ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш предмети ва соҳасидан келиб чиқиб чора-тадбирларни амалга ошириш шакли ўзгариши мумкин. Икки ёки ундан ортиқ бандлар бирлаштирилганда, қўшилаётган бандлар учун белгиланган энг кеч муддат ижро муддати этиб белгиланади.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 августдаги “Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни ташкил этиш тизимини ислоҳ қилиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–189-сон Фармонида:

а) 2-банднинг “а” кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“а) 2026 йил 1 январга қадар асосий фаолияти чиқиндиларни тўплаш, олиб чиқиб кетиш, саралаш ва қайта ишлаш ҳисобланган тадбиркорлик субъектлари ҳамда “Чиқинди полигонларини бошқариш дирекцияси” давлат муассасаси учун ушбу фаолият тури бўйича фойда солиғи (тижорат банкларида жойлаштирилган маблағлардан олинган фоизлардан ташқари) ва ижтимоий солиқ ставкаси 1 фоиз миқдорида қўлланилсин”;

б) 4-бандда:

учинчи хатбошидаги “30” рақами “10” рақами билан алмаштирилсин;  
қуйидаги мазмундаги тўртинчи ва бешинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Миллий гвардия ва Ички ишлар вазирлиги раҳбарларининг бир нафардан ўринбосарлари экологик ҳуқуқбузарликка қарши курашишга масъул бўлади;

Бош прокуратура, Миллий гвардия ва Ички ишлар вазирлиги экологик ҳуқуқбузарликка қарши курашиш чора-тадбирларини Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги билан яқиндан ҳамкорликда ва ўзаро мувофиқлаштирган ҳолда амалга оширади”.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 апрелдаги “2019–2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ–4291-сон қарорига 2-илованинг 14–16-позициялари чиқариб ташлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 сентябрдаги “Маиший ва қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4845-сон қарорига:

а) 6-банднинг иккинчи хатбошиси, 15-банднинг “г” кичик банди учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

б) 2 ва 3-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 июлдаги “Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2021 йил 18 майдаги “Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб

эълон қилиш тўғрисида”ги махсус резолюциясини амалга ошириш чоралари тўғрисида”ги ПҚ–5202-сон қарорининг 2-банди “б” кичик бандининг тўртинчи хатбошиси, 1-илованинг 11 ва 12-позициялари чиқариб ташлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 августдаги “Санитар тозалаш ишларини ташкил этиш ва аҳоли пунктларида тозаликни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–349-сон қарорида:

а) 6, 7, 9-бандлар ҳамда 3–5, 7–9-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 10-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“10. Чиқиндиларни бошқариш тизимини мувофиқлаштириш ва айланма (циркуляр) иқтисодиётни ривожлантириш бўйича республика комиссиясининг таркиби 10-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Чиқиндиларни бошқариш тизимини мувофиқлаштириш ва айланма (циркуляр) иқтисодиётни ривожлантириш бўйича республика комиссиясига мазкур соҳани ривожлантиришга оид дастурларга ўзгартишлар киритиш ҳуқуқи берилсин”;

в) 10-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2022 йил 11 августдаги ПҚ–349-сон қарорига  
10-илова

**Чиқиндиларни бошқариш тизимини мувофиқлаштириш ва айланма  
(циркуляр) иқтисодиётни ривожлантириш бўйича республика комиссияси  
ТАРКИБИ**

А.Ж. Раматов	– Бош вазир ўринбосари, <i>Комиссия раиси</i>
А.А. Абдухакимов	– экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири, <i>Комиссия раиси ўринбосари</i>
И.А. Қутбиддинов	– Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси масъул ходими
Ш. Т. Тўхтабоев	– Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари
А.Р. Сормонкулов	– Миллий гвардия қўмондони ўринбосари
И.И. Норқулов	– иқтисодиёт ва молия вазирининг биринчи ўринбосари
Н.Қ. Холмуродов	– инвестициялар, саноат ва савдо вазирининг биринчи ўринбосари

- Б.Т. Абдуллаев – ички ишлар вазири ўринбосари – Жамоат хавфсизлиги департаменти бошлиғи
- Д.К. Адиллов – қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари
- А.И. Ахмедхаджаев – энергетика вазирининг биринчи ўринбосари
- О.А. Пекось – рақамли технологиялар вазирининг биринчи ўринбосари
- Б.Қ. Юсупалиев – Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати раҳбари, Бош давлат санитария врачлари
- Лавозимига кўра – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ўринбосари, қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик, экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ўринбосарлари
- С.С. Юлдашев – Бош вазир котибияти масъул ходими, *Комиссия котиби*

**Изоҳ:** Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимга янги тайинланган ёки зиммасига тегишли функцияларни бажариш юкланган шахслар киритилади”.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 31 майдаги “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–171-сон қарорида:

а) 25-банднинг “б” кичик банди учинчи ва тўртинчи хатбошилари чиқариб ташлансин;

б) қуйидаги мазмундаги 25<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

“25<sup>1</sup>. Белгилансинки, Вазирлик ва унинг тизимидаги ташкилотлар биноларини аукцион савдолари орқали сотишдан тушган маблағларнинг 100 фоизи (баҳолаш ва савдога чиқариш харажатларидан ташқари) Экология жамғармасига йўналтирилади.”;

в) 4-илованинг 104-позицияси чиқариб ташлансин;

г) 5-иловада:

36-позицияда:

“Чора-тадбир номи” устунидаги “2024 йил 1 январдан” сўзлари “2024 йил 1 майдан” сўзлари билан алмаштирилсин;

“Ижро муддати” устундаги “2023 йил декабрь” сўзлари “2024 йил апрель” сўзлари билан алмаштирилсин;

39-позициянинг “Ижро муддати” устундаги “2023 йил декабрь” сўзлари “2024 йил май” сўзлари билан алмаштирилсин.

